БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 248 (739)

18 ДЕКАБРЬ СЕШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Вақтни қўлдан бой бермасдан, бошқа кузги-қишки қишлоқ хўжалик ишларини: шўрни ювиш ва яхоблаш, ирригация-коллектор тармоқларини тозалаш, ўғитларни тайёрлаб қўйиш, трактор парки ва қишлоқ хўжалик инвентарларини тахт қилиб қўйиш сингари ишларни кенг авж олдириб юбориш лозим.

(Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мурожаатидан)

Мактаб ва оилада бола тарбиясига эътиборни кучайтирайлик

Болалар бизнинг умидимиз, бахтимиз ва нурли келажагимиздир. Уларни юрак ҳарорати билан севмаслик ҳам, кўриб қувонмаслик ҳам мумкин эмас. Жонажон партиямиз ва қадрдон ҳукуматимизнинг қизғин муҳаббати, чуқур меҳрибонлиги билан қуршаб олинган, гавҳар фазилатлар ва олижаноб ҳислатларга эга қилиб тарбияланаётган совет ёшларининг эртаги куни бугунгисидан ҳам порлоқ ва қувончлироқдир.

Буюк ижодий ва яратувчилик ишига астойдил бел боғлаб киришган совет кишилари ўз муваффақиятлари билан ҳақли равишда фахрланадилар, ўз болаларининг истиқболига зўр ишонч билан қарайдилар. Шунинг учун ҳам улар ёш авлоднинг келгусида янада бахтли ва қувноқ ҳаёт кечиришларини кўзда тутиб, ўз меҳнатсевар қўллари билан коммунистик мўл-кўлчилик яратмоқдалар.

Маълумки, совет давлати болаларни ўқитиш ва тарбиялаш учун маблағни сира аямайди. Бизда энг яхши ва қимматли нарсаларнинг барчаси болаларникидир. Неча юз минглаб мактаблар ва пионер саройлари, санаторий ва дам олиш уйлари яслилар ва болалар боғчалари, кино, театрлар ва бадиий адабиёт, матбуот, радио — буларнинг ҳаммаси болаларни ҳаётбахш совет ватанпарварлиги ва халқлар дўстлиги руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Муваффақиятли равишда социализм қураётган халқ демократияси мамлакатларида ҳам болалар бахтли ҳаёт кечирмоқдалар, меҳр-муҳаббат билан тарбияланмоқдалар.

Тинчликка таҳдид солаётган ва давлат бюджетининг кўп қисмини зўр бериб қуролланишга сарфлаётган капиталистик мамлакатларда эса болаларнинг тақдири аянчлидир. Улар ёшлик қувончидан бутунлай маҳрум этилиб, оч-ялангоч яшамоқдалар, муҳтожликда кун кечирмоқдалар. Шунинг учун ҳам болалар ўртасида ҳар хил бебошлик ва жиноятчилик авж олмоқда.

Бизнинг ёшларимиздан янги одамлар, ажойиб талант эгалари, коммунистик жамиятнинг онгли ва актив қурувчилари етишиб чиқмоқда. Партия ва ҳукуматимиз совет мактаби олдига, социалистик жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси олдига болаларни тарбиялаш соҳасида кун сайин янгидан-янги талабларни қўймоқда. Ана шу талабларни тўғри тушуниб етган ва ўз фарзандларининг келажаги билан қизиққан кўпгина ота-оналар болалар тарбияси билан жиддий шуғулланмоқдалар, уларнинг яхши ўқиши ва жисмоний ўсиши учун оилада қулай шароит яратиб бермоқдалар.

Аммо, ҳамма ота-оналар ҳам болалар тарбияси билан астойдил шуғулланаётирлар, деб айтаолмаймиз. Шундай ота-оналар ҳам борки, улар болаларининг тақдирига бепарво қарайдилар, ўз ўғил-қизларининг тарбияси учун давлат олдида, бутун жамоатчилик олдида жавобгар эканликларини унутиб қўймоқдалар. Бундай ота-оналар болаларининг ўқиши учун лозим бўлган даражада шароит яратиб бермайдилар, уларнинг юриш-туриши устидан назорат қилиб турмайдилар, ножўя ҳаракатларининг олдини олмайдилар, ёки болаларини ҳаддан ташқари эркалатиб юбориб, бузиб қўядилар.

Абдижаббор Худойбердиев Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 13-мактабнинг 8-синфида ўқийди, комсомол аъзоси. Уни дастлаб ота-онаси жуда арзанда қилиб ўстирган, ўз фарзандларини «ўкислик» учун нимаики деса шуни қилиб бериб, болани ёмон ўргатиб қўйганлар. Кейинчалик бола ота-она назоратидан бутунлай четда қолган. Абдижабборнинг отаси — Октябрь район ошхона-ресторанлар трестига қарашли 25-чайная мудири, коммунист Р. Худойбердиев ўз ўғлининг ўқиши ва тарбияси билан мутлақо шуғулланмай қўйган. Натижада Абдужаббор яқинда ўз уйидаги қимматбаҳо буюмларнинг бир қисмини ўғринча олиб чиқиб кетиб, район территориясидаги парклардан бирида кечаси яшириниб ётганида милиция ходимлари томонидан ушланган. Афсуски, бундай фактлар яккаю-ягона эмас.

Болаларни тарбиялаш фақат мактаб педагогик коллективлари, комсомол ва пионер ташкилотларининг иши бўлмай, балки бу масала ота-оналар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Чунки, бола туғилган кундан бошлаб ота-онанинг таъсирида бўлади ва кўп вақтини оилада ўтказади. Бу эса ҳар бир ота-она, оила бошлиғидан болани ҳар томонлама тўғри тарбиялаш, ўзларининг яхши фазилатлари билан шахсий намуна кўрсатишни талаб этади. Жуда эҳтиётлик билан тўғри олиб борилган болалар тарбиясигина ёшларни меҳнатга садоқат билан қарашга, катталарни ҳурмат қилишга, интизомли бўлишга, коммунистик ахлоқнинг барча юксак сифатларини эгаллашга, виждонли ва ростгўй бўлишга ўргатади.

Бола уйда ҳам, кўчада ҳам ёмон таъсирга дуч келса у аста-секин бўзилади ва ўз ота-онасини ҳижолатга соладиган хунук ҳаракат қилиб қўяди, баъзан жиноят қилиш йўлига кириб кетади. Хўш, бунга ким жавобгар? Бунинг учун биринчи навбатда ота-оналарнинг ўзлари жавобгар. Ахир, бизда ўз фарзанларини ҳаддан ташқари арзанда қилиб ўстираётган ота-оналар йўқ дейсизми?! Бундай ота-оналар болаларининг тўғри тарбияси учун жавобгар эканликларини мутлақо унутиб қўядилар. Шу билан бирга бу масалада болалар тарбияси билан бевосита шуғулланиши лозим бўлган мактаб пионер, комсомол ташкилотлари ва бутун жамоатчилик зиммасига ҳам катта айб тушади.

Баъзи ҳолларда катта ёшдаги кишилар ҳам болаларнинг оила ва кўчадаги ҳархил ярамас қилиқларига, ҳатто безорилик қилишларига бепарволик билан қарайдилар. Бундай бепарволик билан қараш пировардида ёмон оқибатларга олиб келади. Фаровон ҳаёт кечираётган совет оиласида баъзи безори болалар, граждланлик балоғатига етмасданоқ судга тушиб, қора курсида ўтирадиган жиноятчилар пайдо бўлишининг сабаблари ҳам худди ана шунда.

Бизнинг мамлакатимизда фақат меҳнат билан шуғулланувчи кишиларгина жамиятга таниладилар ва жамият аъзоларининг ҳурматига сазовор бўладилар. Шу сабаби оилада болаларни ёшлик чоғиданоқ меҳнатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш керак. Меҳнатга қўниккан бола ўқишга қобилиятли, зеҳни ўткир ижодкор, интизомли, одамларни ҳурматлайдиган, социалистик жамият қоидаларига риоя қиладиган бўлиб ўсади. Ота-оналарнинг ўзлари ҳам меҳнатни севишда болаларга шахсий намуна кўрсатишлари лозим. Оилада соғлом маънавий вазият вужудга келтириш болаларни тўғри тарбиялашнинг энг муҳим шартидир.

Бола тарбияси осон иш эмас, албатта. У машаққатли, оғир меҳнатни, шу билан бирга узоқ вақтни талаб қилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир ота-она ўз фарзандларини жуда эҳтиёткорлик билан, бўғбон ёш ниҳол дарахтини авайлаб ўстирганидай парвариш қилиши, маълум ахлоқий сифатларга эга қилиб тарбиялаши керак. Ота-оналар мактаб билан мустаҳкам алоқа қилиб туришлари, оилада бола учун маълум тартиб-қоида, режим ўрнатишлари ва уларга қулай иш шароити яратиб беришлари лозим.

Ёшларни тўғри ва мақсадга мувофиқ тарбиялаш—ҳар бир совет оиласи, шу билан бирга мактаб педагоглари коллективи, комсомол ва пионер ташкилотлари ҳамда бутун жамоатчиликнинг бевосита бурчидир.

Ўзбекистон КП Чиноз район комитетига ва район ижроия комитетига

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Чиноз район колхозчиларини, МТС ходимларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, партия, совет ва комсомол ташкилотларини давлатга пахта топшириш планини муваффақиятли бажарганликлари билан табриклайдилар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети зўр қониқиш билан қайд қиладиларки, район колхозлари Тошкент шаҳар Октябрь районидаги меҳнаткашлари ва Ленин районидаги индустриал билим юрти ўқувчиларининг пахта теришда ҳар томонлама берган ёрдами билан пахта майдонининг ҳар гектаридан 26,6 центнердан, ёки ўтган йилга нисбатан гектар бошига 5 центнер кўп пахта ҳосили топширдилар. Район колхозлари давлатга яна 300 тонна пахта топшириш юзасидан қўшимча мажбурият олдилар.

Район колхозлари давлатга ғалла топшириш планини 104 процент, шоли топшириш планини 110 процент, сут топшириш планини 132 процент, жун топшириш планини 120 процент, тухум топшириш планини 157 процент, тери топшириш планини 103 процент, пичан тайёрлаш планини 136 процент бажардилар. Шунингдек жамоат чорвачилигини ривожлантириш давлат плани ҳам адо этилди: план қорамоллар бўйича 104,5 процент, шу жумладан сигирлар бўйича 100,9, қўй-эчкилар бўйича 101,5, чўчқалар бўйича 209,6 ва паррандалар бўйича 115 процент бажарилди.

Сигирлардан соғиб олинган ялпи сут миқдори ўтган йилга нисбатан бир ярим баравар кўпайди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети чиноз район колхозчилари, МТС ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва район меҳнаткашларини 1957 йил ҳосили учун кузги шудгорни ўз вақтида ўтказишни таъминлайдилар, чорва қишловини намунали ўтказадилар ва пахтанинг ҳосилдорлигини оширишда, қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантиришда бундан кейин ҳам янги муваффақиятларни қўлга киритадилар, деб ишонч билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Эстония санъати ва адабиёти декадаси

Москва кўчаларидаги рангба-ранг афишалар Эстония санъати ва адабиёти декадасидаги спектакллар ва концертлардан дарак беради. 16 декабрь якшанба куни москваликлар эрталабки ва кечки томошаларни кўриш имконига эга бўлдилар. Эстониянинг уч театри иккитадан спектакль кўрсатди.

Талантли эстон халқининг рангба-ранг санъати билан, эстон халқи композиторларининг ижоди билан, ашулачилар, музикачилар, драма ва балет артистларининг маҳорати билан танишган кишиларнинг ҳаммаси якдиллик билан Эстония санъати «Жуда гўзал санъат!» демоқдалар.

«Эстония» опера ва балет театри М. П. Мусоргскийнинг «Борис Годунов» номли ўлмас халқ музикали драмасини кўрсатди. Бу спектакль пойтахтнинг маданий ҳаётида катта воқиа бўлди.

Москваликлар бугун Лидия Аустернинг «Тийна» балетини иккинчи марта томоша қилдилар. Ўтган кундагидек бугун ҳам балет катта муваффақият қозонди. Республиканинг драма театрлари якшанба куни тўртта янги спектакль кўрсатдилар. В. Кинтисепп номли Таллин театрида эрталаб «Баҳор» пьесаси саҳнага қўйилди. «Баҳор» пьесаси ўтган асрнинг охирида қишлоқ мактабларидан бирининг ҳаёти тўғрисидаги жонли комедиядир. Кечқурун М. Лермонтовнинг «Маскарад» драмаси саҳнага қўйилди. «Вайнемуйне» театрида кундузи А. Хинтнинг ҳозирги замон темасида ёзилган «Мафтун қилиш қўшиғи», кечқурун эстон адабиёти классиги Э. Вильденинг «Ушлаб бўлмас муъжиза» драмаси кўрсатилди. Ана шу пьесада буржуа маданияти ва ахлоқи масхара қилинади.

Эстония ССР Давлат академик эркаклар хори П. И. Чайковский номли концерт залида концерт берди. Бу концертни кўп киши томоша қилди. Москва университетининг студентлар шаҳарчаси клубида адабий эрталик мароқли ўтди. Декада қатнашчиларидан бир группаси — ёзувчилар ва артистлар Москва атрофидаги «Новая жизнь» колхозига бордилар. (ТАСС).

Хўжалик йилини муваффақиятли якунлаш учун!

☆ ☆ ☆

Мирзачўл шаҳридаги моторремонт заводининг слесари А. Хабибулин кундалик топшириқни 160 процентга етказиб бажармоқда. **Суратда:** ўртоқ А. Хабибулин трактор моторини ремонт қилаётир.

Қ. Розиқов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЯНГИЙЎЛЛИКЛАР ҒАЛАБАСИ

Янгийўл асосан енгил саноат корхоналари шаҳри ҳисобланади. Бу ерда пойафзал, кийим-кечак, консерва ва гўшт маҳсулотлари, ёғ ишлаб чиқарадиган йирик саноат корхоналари жойлашган. Бу корхоналар республикамиз аҳолисининг кенг истеъмол товарларига нисбатан ўсиб бораётган талабини қондириш соҳасида катта ҳисса қўшаётирлар.

Шаҳар ва район саноат корхоналари олтинчи беш йилликнинг биринчи хўжалик йилини катта муваффақиятлар билан якунлаш учун йил бошиданоқ зўр ғайрат ва шижоат билан ишга киришган эдилар. Улар йиллик планни ҳамма кўрсаткичлар бўйича муддатидан олдин бажариш учун коллектив ва индивидуал социалистик мусобақани қизитиб юбориш, корхона ишлаб чиқариш кўрсаткичларини тинмай ўстиришга қаратилган ташкилий-техникавий тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш, ҳар бир цех ва ҳар бир корхонанинг бир меёрда ишлашини таъминлаш учун астойдил курашиш натижасида ойлик ва квартал топшириқларини муттасил ортиғи билан бажариб келмоқдалар.

15 декабрда Янгийўл саноат корхоналари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Ҳар бир ишчининг меҳнат унумдорлиги планда белгиланганидан 8,7 процент оширилди. Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи 1,7 процент камайтирилди.

Янгийўл саноат корхоналари коллективлари ўз имкониятларини ҳисобга олган ҳолда янги йилни пландан ташқари 40 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш билан кутиб олишга аҳд қилдилар.

«Чирчиксельмаш» заводи коллективи йил бошидан бери республикадаги саноат корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада олдинда келмоқда. Бу коллектив, ҳозирги кунда 1957 йил ҳисобига қишлоқ хўжалик машиналари ва запас қисмлар ишлаб чиқараётир. **Суратда:** илғор ишчи **Иброҳим Мусаев** кўрак териш машинаси қисмларини йиғаётир.

Қ. Розиқов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Фидокорона меҳнат натижаси

Тошкентдаги 1-авторемонт заводининг коллективи меҳнат унумдорлигини ошириш учун курашда самарали ютуқларни қўлга киритмоқда. Завод ишчилари, инженер-техник ходимлари ички резервлардан унумли фойдаланиш, цех, бригада ва ишчилар ўртасида социалистик мусобақани тобора қизитиш натижасида 11 ой давомида 12 ой учун белгиланган машиналарни ремонт қилиш ва запас қисмлар ишлаб чиқариш топшириғини бажардилар. Шу давр мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи 12 процент камайтирилди, меҳнат унумдорлиги эса ўтган йил шу муддатдагига нисбатан 6 процент ошди, кўпгина металл ва ёқилғи иқтисод қилинди.

Бундай муваффақиятларни қўлга киритишда рационализатор, новатор ишчиларнинг қўшаётган ҳиссаси анча катта. Масалан, механика цехининг наладчиги Осовский ва асбобсозлик цехининг слесари Каберник ўртоқлар бригаликда шу йили 7 та рационализаторлик таклиф киритдилар. Автомобиль ғилдираги ва тормоз цилиндрларининг механик ишловига қаратилган бу таклифлар техника бўлими томонидан маъқулланди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди. Натижада завод йилига 40 минг сўмдан ортиқ маблағни тежаш имкониятига эга бўлди.

Б. ИМОМОВ.

500 минг сўмлик маблағ тежалди

Фарҳод ГЭС энергетиклари олтинчи беш йилликнинг биринчи йили — 1956 йил давлат плани ва социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш учун курашиб, 11 ойлик ишлаб чиқариш планини 105 процентдан ошириб бажардилар.

Станция коллективи илғор иш методларини оммалаштириш, асбобускуналардан унумли фойдаланишга қаратилган ташкилий-техника тадбирларни ўз вақтида амалга оширидилар. Натижада пландан ташқари кўп миллион киловатт-соат электрэнергия ишлаб чиқариш билан бирга станциянинг ўз эҳтиёжлари учун сарфланадиган энергияси 23,5 процент камайтирилди, маҳсулот таннархи анча озайтирилди. Пландан ташқари 500 минг сўмлик маблағ иқтисод қилинди.

Кўпгина рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Масалан, яқинда Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ рационализаторлар кенгашининг қатнашчиси, станция лабораториясининг бошлиғи ўртоқ Александра Камишановнинг ёғ тўлдириш қозонлари установкасидан ҳавони автоматик усулда сиқиб чиқариш тўғрисидаги таклифи, электр цехининг мастери ўртоқ Абдураззоқ Тўхтаровнинг ёғ включателлари схемасини қайта ишлаш ва унинг технологиясини ўзгартириш тўғрисидаги таклифининг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши катта фойда берди.

Б. ЯХЁЕВ, И. БАРАКАЕВ.

Пландан ташқари бир миллион сўмлик маҳсулот

Тошкентдаги канап йигирув-тўқув фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари меҳнатда катта ғалабаларни қўлга киритдилар. Улар олтинчи беш йилликнинг дастлабки йили — 1956 йил программасини муддатидан 20 кун олдин шараф билан бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар.

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 103,5, товар маҳсулотлари бўйича олинган мажбурият эса 100,5 процент бажарилди. Давлатга пландан ташқари бир миллион сўмлик маҳсулот топширилди.

Тўқувчи ва йигирувчилар ишлаб чиқаришда илғор технологияни кенг қўлланиши, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ҳамда ҳар бир ишчининг иш унумини оширишлари натижасида маҳсулот таннархини ўтган йил шу муддатдагига қараганда 14,8 процент камайтиришга муваффақ бўлдилар.

Бу ерда цехлараро социалистик мусобақа айниқса яхши йўлга қўйилган. Ўртоқ Ф. Д. Ткаченко бошлиқ йигирув цехининг ишчилари олган мажбуриятларини системали суратда 130-135 процентга етказиб бажармоқдалар. Илғор цех коллективи 5 ноябрдан бери 1957 йил ҳисобига меҳнат қилаётир.

Фабрика коллективи енгил саноат корхоналари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида олдинги ўринлардан бирини эгаллади ва министрликнинг кўчма Қизил байроғини ҳамда пул мукофотини олишга сазовор бўлди.

А. АБДУАЗИМОВ.

Чорвадорлар муваффақияти

Сирдарё район 2-МТС зонасидаги колхозлар бу йил чорвачилик соҳасида ҳам катта ютуқларни қўлга киритдилар. Ўтган йилга нисбатан бу йил давлатга 138 тонна кўп гўшт, 216 тонна сут, 980 килограмм жун ва 55 минг дона тухум топширилди.

Бу йил 1955 йилга қараганда ҳар бир сигирдан 400-450 литрдан кўп сут соғиб олинди. «XVIII партконференция» колхозининг сут соғувчиси Маря Карамзина ўзига беркитилган ҳар бир сигирдан 1930 литрдан сут соғиб олди. «Ҳақиқат» колхозининг аъзоси Е. Глухова, Охунбобоев номли колхознинг аъзоси Ф. Фасхудиновалар ҳам ҳар бош сигирдан 1778-1792 литрдан сут соғидилар.

Тарас Шевченко номли колхознинг чўчқа боқувчиси Зоя Алиева олтита она чўчқадан икки мавсумда 27 бошдан бола олди. «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг чўчқабоқари ўртоқ Е. Визмир ҳам ҳар бир она чўчқадан 23 тадан бола олиб яхши натижага эришди.

МТС зонасидаги колхозларда чорва қишлови учун яхши тайёрлик кўрилаётир. «XVIII партконференция», «Ҳақиқат», Маленков номли колхоз чорвадорлари ҳар бир сигир учун 6-7 тоннадан силос тайёрладилар. Ем-хашак тайёрлаш планлари ҳам бу колхозларда муваффақиятли бажарилди.

Х. МУСУРМОНҚУЛОВ.

Тошкент саноати йиллик планни муддатидан олдин бажарди

КПСС XX съезди тарихий қарорларини амалга ошириш йўлида кураш олиб бораётган Тошкент шаҳар саноат корхоналари коллективлари катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Уларнинг фидокорона меҳнатлари натижасида пойтахт саноати ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан 13 кун олдин бажарди. Ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилдагига қараганда қарийб 9 процент ортди.

Пойтахт бинокорлари ҳам саноат корхоналари сингари бу йил юқори суръат билан ишладилар ва йиллик планни муддатидан анча олдин бажаришга муваффақ бўлдилар. Темир йўл Тошкент бўлимининг илғор коллективи эса 1956 йил топшириғини 102,5 процент қилиб бажарганлиги тўғрисида бундан саккиз кун олдин рапорт берган эди.

Бундай катта ютуқлар саноат корхоналари, қурилиш ва транспортда кенг жамоатчиликнинг актив иштироки билан меҳнат унумдорлигини оширишга, янги техникани кўплаб жорий қилишга, илғор иш методларини кенг оммалаштиришга қаратилган ташкилий-техникавий тадбирларни изчиллик билан амалга оширилиши натижасидагина қўлга киритилди. Бу катта ғалаба пойтахт ишчилари ва инженер-техник ходимларининг партия XX съездидан сўнг меҳнат активлиги ғоят ошиб бораётганлигининг яққол далилидир.

1956 хўжалик йилида саноатнинг ишлаб чиқариш базаси анча кенгайди ва мустаҳкамланди. Йил бошидан бери Тошкент корхоналарида 45 та янги цех ва участка қуриб ишга туширилди, 38 та цех реконструкция қилинди. Завод ва фабрикаларда ҳаммаси бўлиб 2500 единица юқори иш унумли ускуна ўрнатилди, 53 та конвейер ва поток линияси ташкил этилди. 600 дан кўпроқ станоқ ва механизмлар модернизация қилинди. Асосий ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш коэффициенти ўтган йилдагига қараганда бир мунча кўпайди. Йил бошидан бери 1,5 мингдан кўпроқ ташкилий-техникавий тадбир амалга оширилди. Бу тадбирлар асосан ишлаб чиқаришга янги ва энг янги техникани, прогрессив технологияни ҳамда новаторларнинг илғор иш методларини жорий қилишга қаратилган.

Ишчилар ва инженер-техник ходимлар кейинги вақтда айниқса техникани тараққий эттириш учун курашда жуда активлик кўрсатиб ишламоқдалар. Ҳозирги пайтда шаҳар саноатида 7 минг кишидан ортиқ рационализатор ва ихтирочи ана шу масала билан шуғулланаётир. Улардан тушган таклифларнинг 4 мингга яқинини ишлаб чиқаришга жорий этиш 20 миллион сўмликдан кўпроқ давлат маблағини иқтисод қилиш имкониятини берди.

Корхоналар ўртасидаги социалистик мусобақада «Ташкенткабель», «Узбексельмаш», Ильич номидаги кон-руда ускуналари ремонт заводи, «Подъёмник», «Автотрактородеталь», электротехника, ремонт подшипник, 1-авторемонт заводлари, «Узглавхлопкомаш»га қарашли механика заводи, канап фабрикаси, консерва заводи, «Қизил тонг» ва 2-пойафзал фабрикалари сингари корхоналар катта ғалабаларни қўлга киритдилар.

Йил бошидан бери шаҳар саноати кўпгина янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Экскаватор ва компрессорлар, сеялка ва кабеллар, газлама, пойафзал каби маҳсулотларнинг янги хиллари, землесос, электротельферлар, калава пишитиш ва ровничний машиналар шулар жумласидандир.

«Главташкентстрой» ва пойтахтдаги бошқа бинокорлик ташкилотлари мактаб, болалар боғчаси, ясли ва даволаш муассасалари сингари ўнлаб маданий-маиший объектларни қуриб битказдилар ва фойдаланишга топширдилар. «Пахтакор» стадионининг ядроси ва телевизион марказнинг фойдаланишга топширилганлиги республикамиз маданий ҳаётида катта воқиа бўлди. Шунингдек шаҳар бинокорлари пойтахтни обод қилиш, аҳолини сув билан янада кўпроқ таъминлаш ва канализация тармоқларини кенгайтириш соҳасида ҳам анча ишлар қилдилар. 11 ой мобайнида 1 миллион квадрат метрдан кўпроқ йўл ва тротуарларга асфальт ётқизилди.

Қурилиш, транспорт ва саноат корхоналари коллективлари ўзларига юклатилган давлат ишлаб чиқариш планларини муваффақиятли бажариш билан бирга колхоз, совхоз ва МТСларга бу йил ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ оталик ёрдами кўрсатдилар. Студентлар, мактаб ўқувчилари ва бошқа меҳнаткашлар қаторида завод ва фабрикаларнинг қурилиш ва транспорт корхоналарининг ўн мингларча ишчилари пахта йиғим-терим кампаниясида актив иштирок этди ва областимизда пахта тайёрлаш йиллик планининг муддатидан олдин бажарилишига катта ҳисса қўшдилар.

Пойтахт меҳнаткашлари республикамизнинг иккинчи марта Ленин ордени билан мукофотланганлигини шод-хуррамлик билан кутиб олдилар. Бу олий мукофотни улар жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг республикамизни гуллатиб-яшнатиш ва унинг мовқеини ошириш тўғрисида қилиб келаётган ғамхўрликларининг буюк ифодаси деб қарамоқдалар.

Олтинчи беш йилликнинг биринчи йилини ишлаб чиқаришда катта муваффақиятлар билан якунлаган Тошкент шаҳар саноати ишчилари ва хизматчилари, инженер ва техник ходимлари қўлга киритилган ютуқларни янада катта муваффақиятлар билан мустаҳкамлаш мақсадида ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олмоқдалар. Улар ҳали ишда мавжуд бўлган камчиликларни тугатиш йўли билан маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини яна бир неча процент ошириш, маҳсулот сифатини тағин ҳам яхшилаш учун астойдил курашмоқдалар. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича умуман шаҳар саноати йиллик планни бажарган бўлса ҳам ҳали орқада қолаётган корхоналар анчагина бор. Агар ҳар бир корхона, ҳар бир цех ва ҳар бир участканинг, ҳар бир қурилиш ташкилотининг давлат планини тўла-тўкис бажаришига эришилса жуда катта резерв ишга солинган бўлади.

Шаҳар саноат корхоналари йил охиригача планга қўшимча равишда яна 250 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетидан

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Коммунистик партия ва совет халқининг содиқ фарзанди, республика социалистик саноатнинг кўзга кўринган ташкилотчиларидан бири, Ўзбекистон ССР Тўқимачилик саноати министри, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати **Фатхулла Расулович Носировнинг** 1956 йил 17 декабрда бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

Тошкент область ижроия комитети ва область партия комитетидан

Тошкент область ижроия Комитети ва область партия комитети Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, республика Тўқимачилик саноати министри **Фатхулла Расулович Носировнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Партия ташкилоти хўжаликни юксалтириш учун нималар қилди

Колхозимиз ўтган йиллари райондаги энг қолоқ хўжаликлардан бири ҳисобланар эди. Бунга 1954 йили чигит экилган 262 гектар майдоннинг ҳар гектаридан атиги 9,8 центнердан ҳосил олинганлигини мисол қилиб кўрсатишнинг ўзи кифоя қилади.

Пахтачиликни ривожлантирмасдан ва ҳосилдорликни оширмасдан туриб колхоз экономикасини мустаҳкамлаш, колхозчиларнинг моддий ва маданий турмуш даражасини янада яхшилашга эришиб бўлмаслиги турган гап. Бу мақсадга эришиш учун даставвал, колхозни тажрибали ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган раҳбар кадрлар билан таъминлаш талаб этилар эди. Колхоз аъзолари район партия ва совет ташкилотлари олдига ана шу талабни қўйдилар.

Район партия комитети колхозчиларнинг илтимосига кўра «Полярная звезда» колхози правлениеси раисининг ўринбосари Ўртоқ Ем Ен-манни правление раислигига, мени эса коммунистларнинг сўровига мувофиқ бошлангич партия ташкилотининг секретари ва колхоз агрономлигига тавсия этди. Колхозчилар правлениенинг янги составини сайлашга бағишлаб ўтказилган умумий йиғилишда правлениенинг собиқ аъзолари, айниқса унинг раиси Ўртоқ Номозов колхозчиларнинг, активининг фикри билан ҳисоблашмай, оммадан ажралган ҳолда иш кўрганликларини, улар колхоз экономикасини мустаҳкамлаш, пахтачиликни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигини ўсишга боғлиқ эканлигини тўла тушуниб етмаганликларини кўрсатдилар.

Шунингдек, партия йиғилишида коммунистлар ҳам шу фикрни айтдилар. Бундан ташқари улар колхоз партия ташкилоти правлениенинг хўжалик фаолияти устидан контроллик олиб бориш, ундан пахтачилик ва чорвачиликни ривожлантириш планларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашни талаб қилиш, колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни кучайтириш ўрнига нуқул хўжалик вазифалари билан ўралашиб қолганлигини кўрсатдилар.

Пайтдан фойдаланиб, бу йиғилишларда колхозчилар ва коммунистлар билан колхозни қолоқликдан чиқариш йўлларини муҳокама қилиб, аниқлаб олдик. Партия ташкилотида ҳам, правлениеда ҳам кенг колхозчилар оммасига, колхоз активларига таянган ҳолда ва улар билан бамаслаҳат иш олиб бориш ҳақида қатъий қарорга келинди. Бригада ва звено бошлиқларининг состави ишчан кишилар билан мустаҳкамланди.

Партия ташкилоти барча ташкилий ва сиёсий ишларни олдиндан пухта ўйлаб тузилган план асосида олиб борди. Агитколлективнинг состави қайта кўриб чиқилди ва у коммунист ҳамда комсомоллар ҳисобига тўлдирилди. Колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни олиб боришга правление аъзолари, коммунист бригада ва звено бошлиқлари, илғор колхозчилар кенг жалб этилди. Мен бошқа темалар билан бир қаторда, агроном бўлганим туфайли, илғор агротехникани, прогрессив усулларни кенг қўллашнинг аҳамияти, кам маблағ ва меҳнат сарфлаб кўп ва арзон маҳсулот олиш йўллари ҳақида, колхоз раиси Ўртоқ Ем Ен-ман эса ташкилий-хўжалик темаларида доклад ва лекциялар ўқиб бордик.

Ўтган йил кўкламида чигит барча майдонга янги усул билан экилди. Ғўзани имкони борича кўпроқ икки томонлама парвариш қилишга ҳаракат қилдик. Колхозчиларнинг хўжаликни тиклаб олиш мақсадида йил бўйи қилган фидокорона меҳнатлари ва партия ташкилоти правление билан биргаликда амалга оширган ташкилий ҳамда оммавий-сиёсий тадбирлар ўзининг дастлабки ижобий натижаларини берди. 1955 йили 290 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 17 центнердан ҳосил олинди.

Бу йил 290 гектар майдоннинг ҳаммасида чигит янги, прогрессив усулда экилгани ғўза парваришида механизациядан кенг фойдаланиш, колхозчиларнинг меҳнатини анча енгиллаштирди, бинобарин пахта йиғим-теримини эрта бошлаш ва уни тез тамомлаш имкониятини берди. Ҳозиргача ҳар гектар ердан давлатга 23 центнердан пахта топширилди. Шундай қилиб, колхозда кейинги икки йил ичида ҳосилдорлик гектарига 13,2 центнер ошди.

Шуни айтиш керакки, бу йил партия ташкилотининг маҳсулотнинг таннархини камайтириш учун олиб борган кураши ҳам яхши натижалар берди. Агар ўтган йили бир центнер пахта етиштириш учун 10,25 меҳнат куни сарфланган бўлса, бу йил 6,2 меҳнат куни сарфланди. Маъмурий — идора аппаратидан 12 киши, далачилик бригадалари табелчиларидан 5 киши қисқартирилди. Натижада бу йил ишлаб чиқаришга ўтган йилдагига нисбатан 42 минг меҳнат кунини кам сарфлаш имконияти туғилди. Меҳнат кунининг қиммати ошди.

Коммунист ва комсомоллар пахтадан мўл ҳосил етиштиришнинг ташаббускорлари бўлдилар. Коммунист Ли Дин-нам, комсомол Пак Петр ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари ҳар гектар ердан 26-27 центнердан, коммунист Улуғой Эргашева, комсомол аъзолари Хурсан Номозов, Агай Вена ўртоқлар бошлиқ илғор звеноларнинг аъзолари эса ҳар гектар ердан 29-30 центнердан ҳосил йиғиб олдилар.

Коммунист ва комсомоллар бутун йил давомида унумли меҳнат қилганликлари каби пахта йиғим-теримини тезлаштиришда ҳам бошқаларга намуна кўрсатдилар. Мавсумда 9-11 тоннадан пахта терган Ҳабиба Хурсанова, Бийраннур Зияева, Улуғой Эргашева, Зайнаб Ўмарова ва бошқа ўртоқлар шулар жумласидандир.

Бригадаларда, чорвачилик фермасида асосан коммунист ва комсомоллардан иборат 18 агитатор иш олиб бормоқда. Улар ўз суҳбатларини район, колхоз ва ўз бригадаларининг ҳаётидан олинган жонли мисоллар, мамлакатимиз халқ хўжалигининг юксалишига доир конкрет фактлар асосида ташкил этадилар.

Партия ташкилоти чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш, колхозда хўжалик ҳамда маданий-маиший бинолар қурилишини амалга ошириш, колхозчиларнинг маданий-маиший турмуш даражасини янада яхшилаш масаласи билан ҳам кун сайин шуғулланиб бормоқда. Ўтган йили ҳар бир сигирдан 450 литрдан сут олинган бўлса, бу йил ҳар бир сигирдан 750 литрдан сут соғиб олинди. Колхозда зотли сигирлар сонини кўпайтириш мақсадида 17 бош «Красная степь» зотли ғунажин сотиб олинди.

Бу йил колхозда янги типдаги сигирхона, чўчқахона ва товуқхона қуриб битказилди, 50 ўринли боқча-ясли биноси, электростанция, 20 хўжалик учун ун-ёғ бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Деярлик барча колхозчиларнинг уйлари электрлаштирилди ва радиолаштирилди.

Шу кунларда колхоз аъзоларининг фикри-зикри пахта ерларини тўлиқ шудгорлаб қўйиш ва келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин ҳозирлаш билан банд. Ҳозиргача 200 гектардан ортиқ ер шудгор қилинди.

Партия ташкилоти кузги-қишки тадбирларнинг ўз вақтида ўтказилишини таъминлаб, колхоз аъзоларини келгуси йили пахтадан янада мўл ҳосил етиштириш учун курашга кенг сафарбар этади.

ЮН ТЕН-ЧЕН,
Ўртасарой районидаги «XIX партсъезд» колхози партия ташкилотининг секретари.

Охунбобоев номли ёш томошабинлар театри рус эртаги асосида яратилган «Қизил гул» спектаклининг қайта ишланган вариантини ўзбек тилида саҳнага қўйди. Спектакль ёш томошабинларга манзур бўлди. Суратда: спектаклнинг иккинчи кўриниши: Ўзбекистон ССР халқ артисти **А. Шермуҳамедов** — савдогар Зас, артистлардан **Сачкова** — доя, **К. Ҳамидова** — катта қиз, **С. Боизитова** — ўрта анча қиз ва **З. Тожибоева** — Алёнушка ролларини ижро этмоқдалар.

Ф. Осипов фотоси.

Пионерлар саройида янги йил тараддуди

Ҳар йили Сталин номли пионерлар саройи коллективи Свердлов номли концерт зали биносида Янги йил арча байрамини ўтказади. Шу пайтгача бу байрам кунларида шаҳар театр ва концерт ташкилотларининг артистлари концерт берар эдилар. Бу йил пионерлар саройининг аъзолари концертларни ўз кучлари билан ташкил қилишга қарор бердилар. Кичик ёшдаги пионерларнинг драма тўгараги Ўртоқ З. А. Радецкая раҳбарлигида Янги йил учун махсус спектакль тайёрламоқда. Бу спектаклни тайёрлашда юздан ортиқ пионер иштирок этмоқда. Улар драма, балет, хор ва бошқа музика тўгаракларининг аъзоларидир. Спектаклнинг темаси мактаб ҳаётидан олинган. Байрам кунлари ҳар куни мактаб ўқувчилари учун 3 марта арча байрами ва кечқурун эса юқори синф ўқувчилари учун ёшлар кечалари уюштирилади. Бу байрамларда Тошкентнинг донгдор кишилари билан, халқ демократияси мамлакатларининг студентлари билан учрашувлар ўтказилади.

Ўзбекистон ССР халқ артисти Ўртоқ Загурская раҳбарлигидаги драма тўгарагининг аъзолари «Терем-теремок» спектаклини тайёрламоқда. Ўзбек драма тўгарагининг ҳаваскорлари эса Тамкининг «Кўён ўлкасида» деган пьесасини, Сараевнинг «Кочкин» деган икки пардалик пьесасини саҳнага қўядилар. Бошқа бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ҳам Янги йилга атаб махсус программалар тайёрламоқдалар.

Пионерлар саройи ташкил қиладиган арча байрамларида Тошкент шаҳар ва бошқа шаҳар ҳамда қишлоқлардан келган 40 мингдан ортиқ бола қатнашади.

А. ЛАБУТИНА.

Ҳаваскорлар ўз маҳоратларини оширмоқдалар

Ўрта Чирчиқ район маданият уйида ташкил этилган ҳаваскорлар тўгараги район меҳнаткашларига ҳамонали маданий хизмат кўрсатмоқда.

Тўгарак аъзолари район маданият бўлими ихтиёридаги агитмашина билан пахта йиғим-терими даврида Ворошилов номли, Горький номли, Ленин номли, Хрушчев номли ва бошқа колхозларга бориб, бир қанча концерт қўйиб бердилар.

Тўгарак қатнашчилари ўзларининг ажойиб хизматлари билан райондагина эмас, балки тез орада қўшни районларда ҳам шуҳрат қозондилар. Улар яқинда Оҳангарон район маданият уйи ходимларининг илтимосига мувофиқ у ерга бориб, «Аршин мололон» комедиясидан парчалар, татар драматурги Раиса Эшпўлатованинг бир парда, икки кўринишли «Бой қуёв» комедиясини кўрсатиб, янги номерлардан иборат концерт қўйиб бердилар.

Тўгарак раҳбари Ўртоқ Жаббор Эргашев ҳаваскорларга ўзбек, қозоқ, хоразм, татар, рус ва ҳинд халқ ашулалари ҳамда рақсларини зўр иштиёқ билан ўргатаётир. Клуб директори Х. Ягафаров, Г. Галиева Ўртоқлар томонидан ижро этиладиган «Куянта» ўйини, Ўртоқ Галиева ижро этган «Қизлар-ай», «Қизгина», «Ернинг гули келди» ашулаларини томошабинлар ҳамма вақт мамнуният билан қарши оладилар.

Тўгаракнинг лапарчи қизи Зайтуна Шўлатова «Лолахон», «Дилбар» «Э вой санам» лапарлари, ҳиндча ўйинлари билан меҳнаткашлар ҳурматига сазовор бўлмоқда. Шунингдек. Шура Михалкова «Гапок», «Яблочко» ва «Циганочка» ўйинларини ижро этиб, ҳамманинг диққатини ўзига тортмоқда. Шунга ўхшаш Шеразим Рустамов, Обид Воҳидов ўртоқлар «Феруз», «Баёт III» ашулаларини жуда усталик билан ижро этадилар.

Ҳаваскорлар тўгараги ижодий коллективининг ишига район маданият бўлими (мудири ўртоқ С. Муродов), область халқ ижодий уйи (директори ўртоқ Усмонова) яқиндан ёрдам бермоқдалар. Колхозларга томоша кўрсатиш учун чиқишда уларни район маданият бўлими доим транспорт билан таъминлаб турибди.

Шу кунларда ҳаваскорлар район меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш билан бирга ўз репертуарларини ҳам ранг-баранг ашула, рақс ва саҳна асарлари билан бойитиб бормоқдалар.

Т. ИУЛДОШЕВ.

Деворий газета редакторларининг семинари

Яқинда Бекобод шаҳар партия комитетида шаҳар корхоналари, муассасалар ва мактабларда чиқарилаётган деворий газеталар редакторларининг бир кунлик семинари ўтказилди. Унда деворий газета редакторларидан ташқари, бошлангич партия ташкилотлари секретарлари ва деворий газеталарнинг редколлегия аъзолари ҳам қатнашдилар.

Семинарда шаҳар «Социалистический Беговат» газетасининг редактори Ўртоқ Н. А. Миргородский «Деворий газетанинг таъсирчанлигини оширишга қандай қилиб эришиш керак» деган темада инструктаж доклад қилди. Бундан ташқари семинар қатнашчилари деворий газетани қизиқарли ва таъсирчан қилиб чиқариш соҳасидаги ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар.

704-УНРда чиқариладиган «Строитель» деворий газетаси редколлегиясининг аъзоси Ўртоқ А. И. Шчипицина редколлегия аъзолари газетанинг ҳар бир сонини чиқаришга қандай тайёрлик кўришлари, мақола ва хабарларнинг жонли ва қизиқарли бўлишига, газетани бадиий жиҳатдан яхши безашга, газета атрофига активни тобора кўпроқ жалб этишга қандай қилиб эришаётганликлари ҳақида гапириб берди. Шунингдек у, шаҳар газеталарининг редакцияларини деворий газеталарнинг редколлегияларига деворий газеталарнинг таъсирчанлигини оширишда етарли ёрдам кўрсатмаётганликлари, шаҳар газеталари саҳифаларида деворий газеталар обзори камдан-кам берилаётганлиги учун танқид қилди.

Семинар муносабати билан шаҳар партия маорифи кабинетида шаҳар корхоналари, муассасалар ва мактабларда чиқариладиган деворий газеталарнинг виставкаси ташкил этилди.

Совет Ҳукуматининг АҚШ Ҳукуматига нотаси

СССРнинг АҚШдаги Муваққат ишлар вакили С. Р. Стриганов 15 декабрда АҚШ Давлат департаментида бўлди ва Совет Ҳукуматининг қуйидаги нотасини топширди:

«Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукумати Америка Қўшма Штатлари Ҳукуматига қуйидагиларни билдиришни зарур деб ҳисоблайди.

Жуда аниқланган маълумотларга қараганда, 1956 йил 11 декабрда Владивосток вақти билан соат 13 дан 07 минут ва соат 13 дан 21 минут ўтган вақт ичида Американинг «Б-57» типидаги уч реактив самолёти Владивостокнинг жанубида Япон денгизи томонидан пайдо бўлиб, СССРнинг давлат чегарасини бузиб ўтган ва Совет Иттифоқининг ҳаво масофаларига бостириб кирган. Бу самолётлар Владивосток районида СССР территорияси устида ичкари томонга ўтганлар. Ҳаво масофалари бузиб ўтилган районда ҳаво очиқ бўлиб, ҳамма нарса яққол кўриниб турган. Бу ҳол учувчиларнинг йўлдан адашишларига имкон бермас эди.

Америка самолётларининг Совет Иттифоқи ҳаво масофаларини бузиб ўтганлиги АҚШдаги ҳарбий мамурларнинг очиқдан-очиқ разведка мақсадида қасддан қилган ҳаракатларидан бошқа бир нарса эмас. Бу ҳол Узоқ Шарқда халқаро вазиятни кескинлаштирмай қола олмайди.

Совет Иттифоқи Ҳукумати Америка самолётларининг Совет Иттифоқи ҳаво масофаларини қўпол равишда бузиб ўтганлигига қарши АҚШ Ҳукуматига қатъий норозилик билдиради ва АҚШ Ҳукуматининг айбдорларни жазолаш ва Америка самолётларининг бундан буён СССР давлат чегараларини бузишига йўл қўймаслик чораларини кўришини талаб қилади.

Совет Ҳукумати шу нарсани айтиб ўтишни зарур деб ҳисоблайдики, Америка самолётлари СССРнинг ҳаво масофаларини бундан буён яна бузиб ўтсалар, бунинг оқибатлари учун бутун жавобгарлик Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати зиммасига юкланади».

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

Ҳамза номли кутубхонанинг қарздорлари

Партия ва ҳукуматимиз меҳнаткашларнинг маданий савиясини тобора ошириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. Юзлаб кутубхоналар, ўқишхоналар, маданият уйлари, клублар, маданият саройлари халқ хизматида. Ҳар бир корхонада, муассасада, район марказида катта китоб фондларига эга бўлган, яхши жиҳозланган кутубхоналар ишлаб турибди. Давлат бу кутубхоналарни мутахассис ходимлар ва маблағлар билан таъминламоқда. Кутубхоналар меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида катта ишлар қилмоқдалар. Чигатой дарбозада жойлашган Ҳамза номли Октябрь район кутубхонаси ҳам аҳоли ўртасида катта маданий иш олиб бормоқда.

Кутубхона «Иқтисод», «Правда», «Янги турмуш», «Коминтерн» мақолаларининг меҳнаткашларига, 11, 24, 35, 111, 115-мактабларнинг ўқитувчи ва ўқувчиларига хизмат қилмоқда. 20.000 дан ортиқ китоб фондига эга бўлган бу кутубхонанинг 950 доимий аъзоси бор.

Биз бу хатимизда ўзининг китобхонлик бурчига, халқ мулкига, кутубхона китобларига нотўғри муносабатда бўлаётган айрим кишилар ҳақида гапирмоқчимиз.

Кутубхона ходими Раифа Тушкова бир даста карточкани олиб кўрсатар экан:

— Мана шу кишиларнинг ҳаммаси кутубхонанинг қарздорлари. Уларнинг кўпи уч, ҳатто тўрт-беш йилдан бери кутубхонадан олиб кетган китобларини ҳалигача келтириб бергандари йўқ.

Биз карточкаларни варақладик. Мана 35-мактаб директори Лиза Маллаеванинг карточкаси. У 1953 йилдан бери Г. Брянцевнинг «Газандалар уясининг тугатилиши» китобини қайтариб бермаган. Кутубхона ходимлари уни бир неча марта учратиб, китобни сўраганларида:

— Ия, халиям ўчириб қўйганингиз йўқми, эсингиздан чиқиб кеттандир деб ўйлаган эдим, — дебди уялмай.

Зайнаб Олимбоева 111-мактабда бош пионер вожатий бўлиб ишлаётганида кутубхонадан «Болаларни тарбиялаш ҳақида», «Софдиллик руҳида тарбиялаш тўғрисида», «Китоб ўқиш маданияти» брошюраларини, француз ёзувчиси Жан Лаффитнинг «Роз Франц» китобини олган эди. Аммо Ўртоқ Олимбоева мактабдан бўшадию, бадар кетди. Унинг адресига — Чапаев кўчаси 5-уйга бир неча марта хатлар ҳам ёзилди. Бироқ ҳалигача на Ўртоқ Олимбоевадан ва на у олиб кетган китоблардан дарак бор. Ёки Ўртоқ Олимбоева софдиллик ҳақидаги брошюрани икки йилдан бери ўқиб чиқмаганмикан?

Ўрта Осиё политехника институтининг студенти Босит Қодиров 1953 йилда А. Толстойнинг «Пётр I» романини, Рябчиковнинг «Умумий кимё» китобини, Виноградовнинг «Олий математика қисқа курси» дарслигини олган эди, ҳамон қайтаргани йўқ.

Октябрь район молия бўлимининг инспектори ўртоқ Р. Абдурашидов эса 1954 йилдан бери Илья Эренбургнинг «Девятий вал» (рус тилида) китобини қайтариб бермаётир.

Халқ мулкига бу қадар хиёнаткорона муносабатда бўлаётган китобхонлар анчагина. Кутубхона аъзоларидан 1951-1952 йилларда 200 га яқин киши, 1953 йилда 38 киши, 1954 йилда 77 киши ва 1955 йилда 70 киши олган китобларини келтирмаган. Яқинда бўлиб ўтган текширишда шу нарса аниқландики, кутубхонанинг 5775 сўмлик китоби ҳар кимнинг қўлида қолиб кетган. Булар орасида ишчи ва хизматчилардан ҳам, мактаб ўқувчиларидан ҳам кўплаб кишиларни учратасиз.

Биз, китобхонлар, кутубхоналардан олган китобларини ўз вақтида қайтариб бермайдиган бундай шахсларнинг қилмишларидан қаттиқ нафратландик. Наҳотки улар бу китоблар халқ мулки эканлигини, бу китобларни ўнларча кишилар сабрсизлик билан кутаётганлигини билмасалар? Кутубхона ходимлари бундай тартиббузарларга — китобни ўз вақтида қайтармовчиларга қарши кескин кураш олиб боришлари, ундай кишиларнинг ишлаётган, ўқиётган жойларига хат ёзишлари, улар ҳақида жамоатчилик фикрини ўзгатишларни керак. Кутубхона китоби халқ мулки. Унга хиёнат қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Бир группа китобхонлар номидан
Р. ТИЛЛАЕВ,
О. САИДХОНОВ,
М. МИРСОАТОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Кутубхона иши яхшилансин"

Юқоридаги сарлавҳа остида газетамизнинг 14 ноябрь сонида чиққан материалда Янгийўл районидаги «XIX партсъезд» колхозининг кутубхонаси ёмон ишлаётгани, китоб, газета, журналлар тартибсиз ташлаб қўйилгани ва улардан колхозчилар фойдаланмай келаётгани, кутубхона мудири Назира Йўлдошева ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараб келаётгани ҳамда бошқа камчиликлар танқид қилинган эди.

Янгийўл район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Ўртоқ Холмуҳамедовнинг редакциямизга хабар қилишича, текширишда газетада келтирилган фактлар тасдиқланган. Район партия комитети кутубхона ишини яхшилаш, китоб, журнал ва газеталарни тартибга солиш, сиёсий-оммавий ишларни жонлантириш тўғрисида колхоз бошлангич партия ташкилотига яқиндан ёрдам бера бошлаган.

„Белгиланган тадбирлар қоғозда қолиб кетмоқда"

Газетамизнинг шу йил 14 ноябрь сонида юқоридаги сарлавҳа билан материал босилиб, унда Чирчиқ шаҳар гишт заводидаги кўпгина иш процессларининг механизациялаштирилмагани, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифати паст ва таннархининг ошиб кетганлиги кўрсатилган эди. Шунингдек, заводда меҳнат унумдорлигини ошириш, ишчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш тўғрисида илгари бир қанча тадбирлар белгиланган бўлсада, улар амалга ошмай келаётгани қаттиқ танқид қилинган.

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министри Ўртоқ Йўлдошевнинг редакциямизга хабар қилишича, министрлик қўлда бажарилаётган ишларни механизациялаш, маҳсулот миқдорини ошириш ва сифатини яхшилаш, ишчиларнинг меҳнат шароитини тузатиш юзасидан Чирчиқ гишт заводи бошқармасида бир қанча ташкилий ва техника тадбирларини амалга оширишга киришган. Янги технологик асосда хом гишт қуйиш ишлари ва хом гишт қуритадиган камераларни кенгайтириш 1957 йил январь ойида тамомланадиган бўлган. Келаси ой ичида механика цехини қуриш, янги карьерни ўзлаштириш ва бортларини реконструкция қилиш мўлжалланган.

Утмиш ёдгорликларини эҳтиёт қилиб сақлайлик

Ўзбекистон талантли халқимиз томонидан узоқ ўтмишда яратилган маданият ёдгорликларига жуда бой ўлкадир. Бу ердаги маданият ёдгорликлари, айниқса архитектура ёдгорликлари бутун дунёга машҳур бўлиб, жаҳон маданияти тарихида салмоқли ўринни эгаллайди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясигача архитектура ёдгорликларини ва умуман маданият ёдгорликларини сақлаш масаласига сира эътибор берилмас эди. Утмиш ёдгорликларини ҳурмат қилувчи айрим шахслар томонидан Самарқандда олиб борилган баъзи реставрация ишларини назарга олмаганда, чор ҳукумати ёдгорликларни сақлаш ва реставрация қилиш эҳтиёжлари учун ҳеч қандай маблағ ажратмаган.

Фақат Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейингина ўзбек халқининг маданий меросига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. В. И. Ленин қўл қўйган махсус декретга мувофиқ, Совет ҳокимияти барпо этилган дастлабки йиллардаёқ ҳамма архитектура ёдгорликларини маҳаллий Советлар ҳисобига олди. Энг машҳур ва нодирлари эса республика Халқ Комиссарлари Совети ҳузурида ташкил қилинган Утмиш ёдгорликларини сақлаш ва ўрганиш бўйича Ўрта Осиё Комитети иҳтиёрига топширилди. Бу ёдгорликларни сақлаш ва реставрация қилиш ишларига давлат томонидан маблағ ҳам ажратилди. Мазкур ёдгорликларни ўрганиш ва реставрация қилиш ишлари ҳам ана шу пайтларда бошлаб юборилган эди.

Ўтган 39 йил мобайнида ёдгорликларни асраш ва реставрация қилиш юзасидан анчагина ишлар қилинди. 1936-38 йилларда дунё архитектурасининг уникаль бўлган Бухородаги Исмоил Сомоний мақбараси (IX аср) бутунлай тикланди. Самарқанддаги Шердор (XVII аср) мадрасасини тўла тиклаш ҳам тамомланай деб қолди. Ҳозир бу ерда мадрасанинг сиртқи томонини пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. XV аср архитектурасининг ажойиб намунаси бўлган Улуғбек мадрасасини реставрация қилиш ишлари тўхтовсиз давом этмоқда. Бу йил мадрасанинг пештоқи тикланиб бўлди ва жанубий-шарқий минорани тўғрилаш проекти тайёрланиб қўйилди. 1957 йилдан бошлаб ана шу проектни амалга оширишга киришилади. Бундан ташқари Гўри Амир (XV аср) мақбарасининг ташқи кўринишни тикланди, Тиллақори (XVII аср) мадрасасида катта реставрация ишлари бажарилди.

Шунингдек Хива, Қўқон, Термиз, Тошкент ва бошқа шаҳарларда ҳам Утмиш ёдгорликларини тиклаш юзасидан анчагина тадбирлар амалга оширилди. Қўқонда Худоёрхоннинг собиқ ўрдаси реставрация қилинди. Тошкентдаги Кўкалдош (XVII аср) ва Барақхон (XVI аср), Хивадаги Оллақулихон (XIX аср) мадрасаларида ҳам катта реставрация ишлари олиб борилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб айтиш керакки, Совет давлати ўзбек халқининг маданий меросини, жумладан архитектура ёдгорликларини сақлаш, илмий равишда ўрганиш ва ремонт-реставрация қилиш ишларига маблағ ажратишни йилдан-йилга кўпайтирмоқда. 1935 йилга нисбатан ана шу эҳтиёжларга маблағ ажратиш бирнеча марта кўпайди. Ишонч билан айтиш мумкинки, ҳозир Ўзбекистонда илмий кучлар ва реставраторлар қўли тегмаган асосий архитектура ёдгорликлари кам қолди.

1957 йилда архитектура ёдгорликларини реставрация қилиш учун 5 миллион сўм сарфлаш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари ҳукуматимиз маданий ёдгорликлар ўрнашган майдон ва атроф жойларни обод қилиш учун Иттифоқ бюджетидан 3 миллион сўм пул ажратди. Ҳозирнинг ўзидаёқ Самарқандда Гўри-Амир мақбараси ва Улуғбек обсерваторияси, Бухорода Кўкалдош мадрасаси, Калон масжиди ва Чашмаи Аюб мақбарасининг атрофлари махсус проект бўйича ободлаштирилмоқда. Келгуси йил мазкур ёдгорликларга олиб борадиган подъездларга асфальт ётқизилади, атрофи кўкламзорлаштирилади. Хуллас, яқин келажакда бу ёдгорликлар атрофи фақат экскурсиячилар ва туристларнингина эмас, барча меҳнаткашларнинг севимли дам олиш жойига айланади.

Ўзбек халқининг маданий меросини кўриш ва у билан танишишни истаганлар сон-саноқсиздир. Шу йилнинг ўтган 10 ойи ичида Самарқанддаги архитектура ёдгорликларини Совет Иттифоқининг турли томонларидан келиб кўрган экскурсант ва туристлар сони 60 минг кишига яқиндир. Бунга четэлдан келган туристлар сони қўшилса, ўзбек халқи маданий меросининг нақадар катта эътиборга эга эканлиги аққол кўринади.

Яқин вақтларда архитектура ёдгорликлари бўйича айрим асарларни нашр этиш мўлжалланмоқда. Махсус илмий-реставрация ишлаб чиқариш устахоналари томонидан ёзилган «Ўзбекистоннинг архитектура ёдгорликлари бўйича йўл кўрсатувчи» номли китоб тез кунда босмадан чиқади. Архитектура фанлари кандидати Г. А. Пугаченко ва санъатшунослик фанлари кандидати Л. И. Ремпель ўртоқларнинг «Ўзбекистоннинг машҳур ёдгорликлари» номли асари ҳам нашр этилмоқда. 1957 йил кўкламида профессор М. Е. Массон редакторлиги остида ёзилган «Ишратхона» номли монографияни нашр этиш планлаштирилган.

Юқорида келтирилган ижобий томонлар билан бирга, архитектура ёдгорликларини сақлаш, реставрация қилиш ва экскурсиячиларга хизмат кўрсатиш соҳасида кўпгина жиддий камчиликлар бор. Аввало шуни айтиш керакки, бу соҳада маданият ва уюшқоқлик етишмайди. Бажарилаётган реставрация ишлари сифати талабга тўла жавоб бера олмайди. Масалан, Самарқанддаги Шоҳи-Зинда мақбараси ансамблидаги Қозизода мадрасасининг ҳар гектар ердан 29-30 центнердан ҳосил йиғиб олдилар.

Коммунист ва комсомоллар бутун йил давомида унумли меҳнат қилганликлари каби пахта йиғим-теримини тезлаштиришда ҳам бошқаларга намуна кўрсатдилар. Мавсумда 9-11 тоннадан пахта терган Ҳабиба Хурсанова, Бийраннур Зияева, Улуғой Эргашева, Зайнаб Ўмарова ва бошқа ўртоқлар шулар жумласидандир.

Бригадаларда, чорвачилик фермасида асосан коммунист ва комсомоллардан иборат 18 агитатор иш олиб бормоқда. Улар ўз суҳбатларини район, колхоз ва ўз бригадаларининг ҳаётидан олинган жонли мисоллар, мамлакатимиз халқ хўжалигининг юксалишига доир конкрет фактлар асосида ташкил этадилар.

Партия ташкилоти чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш, колхозда хўжалик ҳамда маданий-маиший бинолар қурилишини амалга ошириш, колхозчиларнинг маданий-маиший турмуш даражасини янада яхшилаш масаласи билан ҳам кун сайин шуғулланиб бормоқда. Утган йили ҳар бир сигирдан 450 литрдан сут олинган бўлса, бу йил ҳар бир сигирдан 750 литрдан сут соғиб олинди. Колхозда зотли сигирлар сонини кўпайтириш мақсадида 17 бош «Красная степь» зотли ғунажин сотиб олинди.

Бу йил колхозда янги типдаги сигирхона, чўчқахона ва товуқхона қуриб битказилди, 50 ўринли боқча-ясли биноси, электростанция, 20 хўжалик учун ун-ёғ бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Деярлик барча колхозчиларнинг уйлари электрлаштирилди ва радиолаштирилди.

Шу кунларда колхоз аъзоларининг фикри-зикри пахта ерларини тўлиқ шудгорлаб қўйиш ва келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин ҳозирлаш билан банд. Ҳозиргача 200 гектардан ортиқ ер шудгор қилинди.

Партия ташкилоти кузги-қишки тадбирларнинг ўз вақтида ўтказилишини таъминлаб, колхоз аъзоларини келгуси йили пахтадан янада мўл ҳосил етиштириш учун курашга кенг сафарбар этади.

ЮН ТЕН-ЧЕН,
Ўртасарой районидаги «XIX партсъезд» колхози партия ташкилотининг секретари.



Охунбобоев номли ёш томошабинлар театри рус эртаги асосида яратилган «Қизил гул» спектаклининг қайта ишланган вариантини ўзбек тилида саҳнага қўйди. Спектакль ёш томошабинларга манзур бўлди. Суратда: спектаклнинг иккинчи кўринишидан: Ўзбекистон ССР халқ артисти **А. Шермуҳамедов** — савдогар Зас, артистлардан **Сачкова** — доя, **К. Ҳамидова** — катта қиз, **С. Боизитова** — ўрта анча қиз ва **З. Тожибоева** — Алёнушка ролларини ижро этмоқдалар.

Ф. Осипов фотоси.

КУЗГИ-ҚИШКИ ТАДБИРЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ЮҚОРИ СИФАТЛИ УТКАЗАЙЛИК!

Бекободда 1957 йил мўл ҳосили учун пухта тайёрлик кўрилмаётир

Бекобод районининг меҳнаткашлари КПСС XX съезди қарорларини амалга ошириш учун курашиб, бу йил катта майдонларда мўл ҳосил етиштирдилар. Район колхозлари ва совхозлари 18819 гектар майдонининг ҳар гектаридан ҳозиргача қарийб 23 центнердан —ўтган йилдагидан 3,6 центнердан кўп ҳосил йиғиб олдилар ва давлат пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажардилар.

«Красний хлопкороб» колхозида ҳар гектар ернинг ҳосилдорлиги 1955 йилдагига қараганда 9 центнер оширилди. Маленков номли колхозининг аъзолари 715 гектар майдоннинг ҳар гектаридан —ўтган йилдагидан қарийб 5,5 центнердан кўп ҳосил йиғиб олдилар. Сталин номли 1 ва Сталин номли 2, Дзержинский номли, Молотов номли колхозларнинг кўрсаткичи ҳам ана шундай яхши бўлди.

Лекин шуни айтиш керакки, районда пахта тайёрлаш плани юқоридаги каби илғор колхозлар ва 2-«Далварзин» совхози ҳисобигагина бажарилди. Агар Будённий номли, Ворошилов номли, Крупская номли, «Социализм», «Янгиобод» колхозларида ва 1-«Далварзин» совхозида ҳам давлат пахта тайёрлаш планининг ўз вақтида бажарилиши таъминланганида, район бўйича фақат давлат контрактация планинигина эмас, ҳатто олинган социалистик мажбуриятни ҳам тўла бажариш учун шароит яратилган бўлур эди. Ваҳоланки бу колхозларда ва 1-«Далварзин» совхозида ҳар бир гектар ердан ҳозиргача фақат 13-24 центнердан ҳосил олинди ва план энди 70-92 процент миқдорида бажарилди.

Район раҳбарлари эса ана шу ҳақиқатни сира тан олгилари келмайди. Улар турли баҳоналар қидиришга, план бажарилгач маълум даражада хотиржамлик кайфиятига берилишга кўпроқ мойиллик кўрсатмоқдалар.

1-«Далварзин» совхози пахта майдони ва ялпи ҳосил жиҳатидан районда катта салмоққа эга. Совхоз 4399 гектар майдонинг ҳар гектаридан давлатга контрактация шартномаси бўйича 27 центнердан, олинган мажбурият бўйича эса 30 центнердан пахта топшириши керак. Ҳақиқатда эса шу кунгача ҳар гектар ердан фақат 24 центнерга етар-етмас ҳосил йиғиб олинди.

Совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти ҳосилнинг далада қолган қисмини тезроқ йиғиб-териб олиш юзасидан зарур чоралар кўрмаётирлар. Партия бюроси ва унинг секретари ўртоқ А. Қодиров бутун кучни қолган ҳосилни тезроқ йиғиб олиш, бунинг учун коллективни янада зўр куч билан сафарбар этиш, дирекция ва бўлим бошлиқларига нисбатан талабчанликни ошириш, уларни давлат планининг бажарилиши учун жавобгар эканликлари ҳақида жиддий огоҳлантириш ўрнига келишувчиликка йўл қўяётир. Бу эса совхозда давлат пахта тайёрлаш планининг бажарилишини жиддий хавф остида қолдирмоқда.

Шуниси қизиқки, совхоз партия ташкилоти ҳам, дирекцияси ҳам совхозда пахта тайёрлаш плани бажарилмай қолгудек бўлса, жавобгарликдан ҳоли бўлиш йўлини қидиришга тушиб қолганлар.

Совхозда кейинги кунларда кўрак териш, уни чувиш ва давлатга пахта топшириш суръати кескин даражада пасайиб кетди. 7-декабргача ҳар куни ўрта ҳисоб билан 42 тонна кўрак терилган. Ваҳоланки шу кунларда 1108 киши ва 2 кўрак териш машинаси ишлади. Меҳнат унумдорлиги ниҳоят даражада паст бўлганлигидан кўрак теришга чиққан ҳар бир киши нормадаги 80 ўрнига ўрта ҳисобда 34 килограммдан кўрак терган.

Мавжуд 29 кўрак териш машинасидан 5, 6, 7 декабрь кунлари бор-йўғи 2 таси ишни давом эттирди. 45 кўрак чувиш машинасидан эса 5 декабрь куни 9 таси, 6 декабрь куни 12 таси ва 7 декабрь куни 11 таси ишлади, холос. Уларнинг иш унуми ҳам ниҳоятда паст.

Совхозда келгуси йил мўл ҳосили учун кураш жуда бўш олиб борилмоқда. Совхозда ғўзапоя юладиган машиналардан жуда унумсиз фойдаланилмоқда. 7 декабрь куни 21 трактор билан ҳаммаси бўлиб 94,7 гектар ернинг ғўзапояси тозаланди. Шу чоқ-қача шудгор қилинган ер 1200 гектардан ошмайди. Ҳайдов тракторлари тўла ишга туширилмаган ва улардан унумсиз фойдаланилмоқда.

Пахта ерларини ғўзапоядан тозалаш, ер ҳайдаш ишларининг аҳволи колхозларда ҳам бундан яхши эмас. 10 декабргача ҳаммаси бўлиб 3689 гектар ер ғўзапоядан тозаланган ва бошқа экинлар учун ҳайдалган ерни қўшиб ҳисоблаганда 3769 гектар ер шудгор қилинган.

Тўғри, йиғим-терим ишларини охирига етказиб қўйган «Красний хлопкороб», Дзержинский номли, Сталин номли 1, Сталин номли 2, Маленков номли, Молотов номли, Ленин номли ва бошқа колхозларда иш талабга бирмунча жавоб берарли даражада бораётир. Бироқ ҳали пахта тайёрлаш планини бажараолмаган. Будённий номли, Крупская номли, Ворошилов номли, «Социализм», «Янгиобод» колхозларида пахта ерларини ғўзапоядан тозалаш ва шудгорлаш ишларининг борищи талабга мутлақо жавоб бермайди. Жумладан, Будённий номли колхозда 936 гектар ердан энди 117 гектарининг ғўзапояси тозаланиб, шудгор қилиниши лозим бўлган 1300 гектар ердан фақат 180 гектари ҳайдалган.

Колхозларда шудгорлашнинг суст бораётганлигига кўпгина майдонлардаги кўрак ҳанузгача териб олинмаганлиги сабаб бўлмоқда. Буни Будённий номли колхоз мисолида кўриш мумкин. Колхозда ҳар бир гектар ердан ҳозиргача қарийб 19 центнердан пахта йиғиб олинди ва план 92 процент бажарилди. Колхоз партия ташкилоти (секретари ўртоқ У. Суяров) ва правлениеси (раиси ўртоқ М. Холиқулов) етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб-териб олишни ниҳоятда чўзиб юбордилар. Ҳозиргача 400 гектарга яқин ернинг кўраги териб олинмасдан турибди. Колхоз раҳбарларининг сўзига қараганда ҳар бир гектар ердан ўрта ҳисобда яна 3 центнердан ҳосил олиш мумкин. Шундай бўлгани ҳолда кўрак териш жуда секин бораётир. Ҳар куни ўрта ҳисобда 9-10 гектар ернинг кўраги териб олинмоқда. Ҳозирги унум билан ишлаш давом эттирилса, қолган ҳосилни тўла йиғиб-териб олиш учун яна камида 40 кун талаб этилади.

Партия ташкилоти ва колхоз правлениеси кўрак теришда меҳнат унумдорлигини ошириш учун жиддий чора кўрмаётир. Далага чиқаётган 210 кишининг ҳар бири кунига ўрта ҳисобда 40 килограммдан кўрак тераётир.

Колхозда пахта йиғим-терининг бу қадар чўзилиб кетишига район партия, совет ташкилотлари ва МТС раҳбарлари ҳам айблидирлар. Чунки, ишчи кучи кам бўлган бу колхозга ўз вақтида ёрдамчилар билан етарли даражада кўмаклашилмади.

Даладаги ҳосил — давлат ва халқ мулкидир. Шуни ҳисобга олиб, район партия ва совет ташкилотлари, МТС раҳбарлари унинг бир граммини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олишда колхозга амалий ёрдам беришлари, давлат ва халқ манфаатларини ҳамма нарсадан ҳам юқори қўйишлари лозим.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Фатхулла Расулович Носиров

Ўзбекистон ССР Тўқимачилик саноати министри, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Фатхулла Расулович Носиров ижодий кучи барқ уриб турган бир пайтда бевақт вафот этди.

Қимматли ўртоғимиз ва дўстимиздан, республикамизнинг кўзга кўринган давлат арбобларининг биридан бевақт жуда бўлдик.

Ф. Р. Носиров шонли ҳаёт йўлини босиб ўтди.

Фатхулла Расулович Носиров 1911 йилда Тошкентда туғилди.

Фатхулла Расулович меҳнат фаолиятини жуда эрта бошлади. 1928 йилда ишчилар политехникумига кирди, уни тамомлаб чиққач, Ленинграддаги Саноат қурилиши инженерлари институтига ўқишга юборилди. Бу институтни 1937 йилда инженер-бинокор мутахассислиги бўйича муваффақиятли тамомлаган Ф. Р. Носиров Коммунал хўжалик Халқ комиссарлигининг Бекобод қурилиш конторасига бошлиқ қилиб тайинланди. Кейин у Совет Армияси сафида хизмат қилди. Армия сафидан бўшаб келгандан кейин, Харбий Бошқармада лойиҳаловчи инженер бўлиб ишлади.

Ф. Р. Носиров 1941 йилда партия раҳбарлиги ишига — Тошкент область партия Комитетининг бўлим мудирлигига кўтарилди. Сўнгра Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар Фрунзе район комитетининг секретари ва Ўзбекистон КП Октябрь район комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди. Кейинчалик у Фарҳод ГЭС қурилишига ВКП(б) Марказий Комитетининг партия ташкилотчиси қилиб тасдиқланди. У Бухоро область партия Комитетининг иккинчи секретари қилиб сайланиши муносабати билан бу ердан чақириб олинди.

Ф. Р. Носиров 1944 йилда Ўзбекистон КП Хоразм область комитетининг биринчи секретари қилиб сайланиб, у ерда 1947 йилгача ишлади. Сўнгра Ф. Р. Носиров Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тасдиқланади ва у айни вақтда 1948 йилдан 1950 йилгача Ўзбекистон ССР Тўқимачилик ва Енгил саноат министри бўлиб ишлайди.

Ф. Р. Носиров 1951 йилдан 1953 йилгача Ўзбекистон ССР пахтачилик министри бўлиб турди. 1953 йилда у яна Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайинланди. Сўнгра у республика тўқимачилик саноати министри бўлди ва бу постда ўз ҳаётининг сўнгги кунларигача ишлади.

Ф. Р. Носиров партия, давлат ва хўжалик ишининг қайси бир тармоғида бўлмасин, ўзига хос бўлган

гайрат билан ишлаб, топширилган ишни халол, ситқидиллик ва жонкуярлик билан бажарди, ўзининг бутун куч-қувватини ва билимини Совет Ўзбекистони Социалистик экономикасининг гуллаб-яшнашига бағишлади.

Фатхулла Расулович Носиров давлат ва хўжалик ишини партиявий ва иҳтимоий-сиёсий ҳаётда актив қатнашиш билан бирга чамбарчас боғлаб олиб борар эди. У Ўзбекистон Компартиясининг X, XI, XII, XIII съездларида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг аъзоси қилиб сайланди. Бир неча марта Тошкент шаҳар партия комитетининг аъзоси қилиб сайланди. У Ўзбекистон ССР Олий Советининг уч чақириқ депутатидир.

Коммунистик партия ва совет ҳукумати Ф. Р. Носировнинг социалистик Ватан олдидаги хизматига юксак баҳо бердилар. У Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Қизил Юлдуз ордени, Ҳурмат белгиси ордени билан, шунингдек медаллар билан, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

Ўзбекистон партия ташкилоти ва республика меҳнаткашлари Фатхулла Расулович Носиров қиёфасида социалистик саноатнинг талантли командирларининг биридан, Коммунистик партиянинг солиқ фарзандидан, коммунизм учун актив курашчидан жудо бўлдилар.

Ф. Р. Носиров сезгир ва ҳозир жавоб ўртоқ эди, меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларига ҳамавақт сезгирлик билан қарарди.

Ф. Р. Носировнинг бутун ҳаёти ва фаолияти Коммунистик партия ва совет халқи манфаатларига садиқлиг билан хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир.

Ўзбек халқининг шонли фарзанди Фатҳулла Расулович Носировнинг хотираси уни билган ва у билан ишлашган кишиларнинг қалбларида умрбод сақланажак.

Алвидо, содиқ дўстимиз ва ўртоғимиз!

Абдураззоқов М. А., Абдалин А. С., Алимов О. А., Бизов А. П., Бобожонов И. Б., Бабков И. В., Бродова А. И., Билбас В. А., Ғуломов М., Ғуломов Р. Ғ., Глухов А. П., Глинский Б. С., Жалилов Ҳ. Ж., Дьяконова З. Г., Емцов В. Я., Зиёдуллаев С. К., Илҳомова Ж., Исомитдинов М. И., Эгамбердиев Э. З. Камолов С. К., Қўқонбоев Ф. Қ., Қамбаров Т., Косигин А. Н., Курбонов Р., Косенко Н. П., Лучинский А. А., Маҳмудов Н., Маърупов Ҳ. А., Мирқосимов М. Ш., Мельников Р. Е., Мирзаҳмедов М. З., Миротворцев Н. Н., Муртазаев Қ. М., Мусахонов М. М., Муҳамеджонов М. В., Муҳитдинов Н. А. Насриддинова Ё. С., Нуритдинов С. Н., Нишонов М. М., Попов Б. В., Раҳимбобоева З. Р., Рашидов Ш. Р., Ризаев А., Раҳмонов М. Р., Рудин А. Н., Рижов Н. С., Родичев С. Д., Расулев М. Р., Соатов Р. С., Сеитов П. С., Стрельцов И. В., Султонов Ғ. С., Турсунов М. Т., Тоиров А., Ҳакимов О., Хўжаев Ж. Қ., Хўжаев А., Хўжаев Ф. Х., Чесноков Н. Е., Шчербаков А. В., Йўлдошев М. И., Ёқубов Н.

УЗБЕКИСТОН ССР ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ МИНИСТРИ ФАТХУЛЛА РАСУЛОВИЧ НОСИРОВНИ ДАФН ЭТИШНИ УЮШТИРИШ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон ССР Тўқимачилик саноати министри **Фатхулла Расулович Носировни** дафн этишни уюштириш учун қуйидаги составда комиссия тузилди: М. А. Абдураззоқов (раис). А. Н. Рудин, Р. Ғ. Ғуломов, М. Т. Турсунов, А. В. Шчербаков, Ф. Қ. Қўқонбоев, Н. У. Усмонов.

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ МИНИСТРИ ФАТХУЛЛА РАСУЛОВИЧ НОСИРОВНИ ДАФН ЭТИШ КОМИССИЯСИДАН

Ўзбекистон ССР Тўқимачилик саноати министри, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати **Фатхулла Расулович Носировни** дафн этишни уюштириш комиссияси билдирадики, марҳумнинг жасади солинган тобут Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залига қўйилган.

Марҳумнинг жасади қўйилган жойга 1956 йил 18 декабрь соат 11 дан 14 гача киритилади.

Марҳумнинг жасади соат 14 да олиб чиқилади.

Марҳум Чигатой мозорида дафн қилинади.

Комиссия.

СССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИ КОЛЛЕГИЯСИДАН

СССР Енгил саноат министрлигининг коллегияси Ўзбекистон ССР Тўқимачилик саноати министри **Фатхулла Расулович Носировнинг** бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдиради ва марҳумнинг оиласига чин қалбдан таъзия изҳор қилади.

СССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИ ТЎҚИМАЧИЛИК ХОМАШЁСИ БОШҚАРМАСИ ХОДИМЛАРИ КОЛЛЕКТИВИДАН

СССР Енгил саноат Министрлигининг Тўқимачилик хомашёси Бошқармаси ходимлари коллективи Ўзбекистон ССР Тўқимачилик саноати министри **Фатхулла Расулович Носировнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан қаттиқ қайғиради ва унинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ МИНИСТРЛИГИДАН

Ўзбекистон ССР Тўқимачилик саноати министрлигининг коллегияси, партия ташкилоти ва коллективи Тўқимачилик саноати министри **Фатхулла Расулович Носировнинг** 1956 йил 17 декабрда бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар ва марҳумнинг оиласига чин қалбдан таъзия изҳор қиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИНЧИ КОММУНИСТИК ЁШЛАР СОЮЗИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДАН

Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик ёшлар Союзи Марказий Комитети Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди, Ўзбекистон ССР Тўқимачилик саноати министри, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати **Фатхулла Расулович Носировнинг** бевақт вафот этганлигини муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

МЕДИЦИНА ХУЛОСАСИ

Фатхулла Расулович Носиров анча вақтдан буён гипертони касали билан оғриб юрарди. 1956 йилда инфаркт миокард бўлди. 1956 йил 17 декабрда қайталаган коронаротромбозадан тўсатдан вафот этди.

З. И. УМИДОВА — СССР Медицина фанлари академиясининг корреспондент аъзоси, профессор.

ГОРДОН — профессор.

Р. БОЛТАЕВ — Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги Марказий поликлиникасининг бош врачи.

Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетидан

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ва Тошкент шаҳар ижроия комитети ўзбек халқининг содиқ фарзанди, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Ўзбекистон ССР социалистик саноатининг йирик ташкилотчиларидан бири, республика тўқимачилик саноати министри **Фатхулла Расулович Носировнинг** бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар ва марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Кундалик график ортиғи билан бажарилмоқда

993 гектар майдоннинг ҳар гектаридан давлатга 31,5 центнердан пахта топшириб, социалистик мажбуриятларини муваффақият билан бажарган Мирзачўл районидаги «Октябрь» колхозининг аъзолари, кузги шудгор ишлари суръатини кун сайин кучайтирмоқдалар. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти тракторчиларнинг унумли ишлаши учун барча шароитларни яратиб берган. Ҳозир 7 та ғўзапоя юлиш машинаси ва 5 та ҳайдов трактори ишлаб турибди. Тракторчилар бир-бирлари билан ўзаро мусобақалашиб, ерларнинг чуқур, сифатли шудгор қилинишига алоҳида аҳамият бермоқдалар. Барча дала ишлари конвейер усулида олиб борилаётгани туфайли, кундалик кузги шудгор графиги ортиғи билан бажарилаётир. Ҳар куни 40-50 гектар ер шудгор қилинмоқда.

Колхоз пахтакорлари кузги ва қишки агротехника тадбирларини амалга оширишни ғўза зараркунандаларига қарши кураш билан боғлаб олиб бормоқдалар. Ариқ ва ўватлар текисланиб, ҳосилдан бўшаган майдонлар ҳар хил бегона ўтлардан тозаланиб, сўнгра шудгор қилинаётир.

М. САНГИРОВ.

Оҳангаронда амалга оширилмаётган тадбирлар

Иш қайнаган, одамлар фидокорлик кўрсатиб ишлаётган, катта-кичик баравар ишга тармашиб ташаббускорлик кўрсатаётган районларда кўп юриб одатланиб қолган эканмиз. Бирор районга боришни чўтлаганимизда ҳамища шундай жўшқин ҳаёт кўз олдимизда гавдаланади. Оҳангарон районига кетадиган машинага ўтирган вақтимизда ҳам бизда шундай фикр бор эди. Лекин районга боргач, аҳвол билан бир даража танишгач, ҳалиги тасаввурлар ўзгариб кетди. Нима учун? Бошини қуйида ўқийсиз.

«НИШОН АКАНИНГ БОҒИ»

Хонободда ҳам, Облиқда ҳам, районнинг бошқа ерларида ҳам Нишон аканинг боғи ҳақида анча ҳангомаларни эштитдик. Каганович номли колхознинг Охунбобоев участкасида турадиган Нишон ака ўзининг томорқасидаги узумзоридан қарийб 40 минг сўм даромад олибди. Бу воқеа ҳаммаёққа доврқ бўлиб кетган. Райённинг айрим ходимлари ҳам, колхоз раҳбарлари ҳам Нишон аканинг боғини ҳавас билан тилга олишади, роса таърифлашади.

Бундай таъриф ва тавсифларни эштитгач: «Нишон ака арзимаган томорқадан шунчалик даромад олган бўлса, колхоз боғларидан келган даромад қанчалик кўп бўлганикин» деган фикр пайдо бўлади. Лекин, ҳеч ким бирорта колхознинг боғини таърифламайди, бирор колхоз мирзиқор боғбонининг тавсифини қилмайди. Колхозларда боғлар ташкил қилиш, ундан юқори ҳосил олиш мумкинлиги Нишон аканинг боғи мисолида яққол кўриниб тургани ҳолда нимагадир ҳеч ким бу ҳақда гапирмайди. Нима учун шундай?

Облиқ қишлоғидаги Ленин номли колхознинг раиси ўртоқ Шарипов колхоз хўжалигини мустаҳкамлаш, унинг даромадини кўпайтириш ҳақида гапирар экан:

— Бизнинг Оҳангарон шароитида боғдорчиликдан колхозлар катта даромад олишлари мумкин. Бизда колхоз хўжаликларини кўтаришдаги энг катта имкониятлардан бири боғдорчиликдир, — дейди.

Район раҳбарлари ҳам районда боғдорчилик катта аҳамиятга эга эканлигини, боғдорчилик учун бу ерда қулай шароит борлигини мамнуният билан таъкидлайдилар. Аммо амалий ишга келганда Нишон аканинг боғини мақташтан нарига ўтмайдилар.

Районда илгари 9800 гектар ерда боғ бўлган эди. Ҳозир шундан 372 гектари қопти. Боғларни кўпайтириш, эски боғларни тиклаш ҳақида озмунча гап-сўз ва машмашалар бўлмаган. Аммо гап-сўзлар керагидан ортиқроқ бўлгану, тикланиши лозим бўлган боғлар тикланмай қолган. Ҳеч бўлмаса шу йил бўлиб ўтган меҳнаткашлар депутатлари Оҳангарон район советининг X сессиясидаги гапларни эсга олиб кўрайлик. Бу сессияда Андреев номли, Жданов номли, Куйбишев номли, Молотов номли, Калинин номли колхозларда боғлар ташкил қилиш юзасидан тузилган дабдабали планлар бор-йўғи 12-38 процент атрофида бажарилгани кўрсатилди, роса танқид қилинди. Шу билан бирга сессияда жуда чиройли тадбирий чоралар белгиланди. Конкрет таклифлар кўндаланг қилиб қўйилди. Лекин сессиянинг бу муҳим қарори сессиядан кейин район ижроия комитети масъул секретарининг пўлат сандиғига кириб, кўздан ғойиб бўлди, унутилди. Жумладан сессия қарориди «ҳар бир колхозда 0,6-3 гектаргача мева дарахти кўчатзори ташкил қилинсин» деган таклиф Каганович номли, Киров номли колхозлардагина қисман бажарилди. «МТС директорлари (Кошкин, Самаграй ўртоқлар) октябрь ойида Паркент районидан кўчат учун тоқ навдалари келтиришни таъминласинлар» деган модда қарорга қандай ёзилган бўлса, худди шундайлигича турибди. Бир дона ҳам тоқ навдаси келтирилмади.

Бунинг сабабларини тушуниш унча қийин эмас. Сталин номли колхозда 5 гектар янги боғ қилиш планлаштирилган. Шундан 2 гектар ерга тоқ ўтказилибди. Колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Хайитбой Санчаров колхоз экономикасининг зайифлиги тўғрисида сўзлайди. Биз ундан, боғ қилинса колхознинг даромади кўпаймайдими, деб сўраганимизда, у дарҳол «кўтарилади, жуда яхши бўлади» дейди. «Нега бўлмаса боғ қилинмайди» десак «бизда боғ қилиш одат эмас-да» деб дудмал жавоб берди. Мана шу «одат эмаслиги» райондаги колхозларда боғдорчиликни ривожлантиришга тўсқинлик қилянти. Мана шу «одат эмас»га райондаги айрим кишиларнинг одатланиб қолганликлари ачинарли! Бу «одат» мавжуд боғлардан мўл даромад олишга ҳам гов бўлаётир.

Биз ўртоқ Хабибуллин раислик қилаётган Куйбишев номли колхозга бориб, боғдорчилик ишлари билан танишдик. Ўртоқ Мамат Худойқулов бошлиқ боғ бригадаси бу йил 9,3 гектар ердаги узумдан бор-йўғи 15 минг 200 сўм даромад олибди. Боғдорчилик ишига шундай муносабатда бўлингани учун ўтган йили райондаги ҳамма колхозларнинг боғларидан олинган даромад 33 минг 889 сўмга зўрга етибди. Бу даромад таърифи оламга кетган Нишон аканинг арзимаган томорқасидан олинган даромаддан 6 минг сўм кам экан.

Оҳангаронлик ўртоқлардан бири бизга:

— Яқинда мен радиода бир колхознинг 40 миллион сўм даромад қилганини эштитиб ҳайрон қолдим. Оббо, азаматлар-э, роса қойил қилишибди. Бизда бўлса бутун район бўйича олинадиган даромад 18 миллион сўм экан, — дейди.

Бу гап рост. Колхоз раҳбарлари ҳам, район раҳбарлари ҳам илғорларнинг олган даромадларига маҳлиё бўлгандан кўра, ўзлари ҳам шундай даромад олиш учун курашсалар бўлмайдими?! Райондаги колхозларда 110 гектар ерга боғ қилиш ўрнига арант 63 гектар ерга боғ қилинибди. Мавжуд боғларни парвариш қилиб юқори ҳосил олишга эътибор берилмаётир.

ЕЧИЛМАГАН ЖУМБОҚ

Райондаги колхозларнинг асосий даромадлари чорвачиликдан келар экан. Район партия комитетининг секретари ўртоқ Муҳамедов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Қораҳўжаев чорвачилик соҳасида кейинги йилларда анча силжиш бўлганини айтдилар. Жумладан 1954 йилда ҳар бир сигирдан 320 килограммдан сут соғиб олинган бўлса, 1956 йилда 618 литрдан сут соғиб олинибди. 120 та Грозни меринос қўчқорлари келтирилиб, 3 минг 500 та совлиқ қўй урчитилган. 50 та Краснаястепь зотли бузоқ келтирилиб колхозларга тарқатилган. Ундан сўнг чорва қишлови учун зарур бинолар тайёрлаб қўйилган. Булар ҳеч шубҳасиз яхши. Бироқ чорва молларининг қишлови учун зарур бўлган ем-ҳашак тайёрлашнинг ёмон аҳволда эканлигини бу фактлар билан оқлаб бўлмайди.

Район раҳбарлари 1955 йилга нисбатан бу йил силос қилиш кўпайганини, 1957 йилда 2200 гектар ерга маккажўхори экилиши лозимлигини айтадилар-у, нимагадир 1956 йилда силос учун 1043 гектар маккажўхори экиш ўрнига 761 гектар ерга экилганини, силос тайёрлаш планининг бажарилмаганини айтмайдилар. Лекин колхозларда бўлган вақтимизда ҳақиқий аҳвол бизга аён бўлиб қолди.

Сталин номли колхозда бу йил чорвачилик плани ҳам, ем-ҳашак тайёрлаш плани ҳам бажарилмаган. Колхоз раҳбарларидан ем-ҳашак тайёрлаш плани бажарилмапти, чорва қишлови қандай бўлади, деб сўраганимизда «етади, ем-ҳашак етмайдиган хавф йўқ» деб жавоб бердилар.

Биз районда ҳар жиҳатдан илғор деб мақталган Каганович номли колхозда бўлдик. Бу колхозда ҳам чорвачилик планининг айрим турлари ва чорва қишлови учун зарур бўлган ем-ҳашак тайёрлаш плани бажарилмаган. Чўчқачилик плани 27,5 процентга етибди, холос. Бу колхозда 550 тонна ўрнига 257 тонна силос, 30 минг тонна ўрнига 15 минг тонна сомон тайёрланибди. Умуман колхозда ем-хашак тайёрлаш плани 40 процентдан ошмайди.

Колхознинг Оқтепа, Мингтепа, яна қандайдир тепаларидаги 100 гектар ерда ўрилган янтоқлар ҳалигача йиғиб олинмабди.

Райондаги бошқа колхозларда ҳам ем-хашак тайёрлашга ўтакетган бепарволик билан қаралмоқда.

ШИРИН ХАЁЛЛАР

Биз бир вақтлар Оққўрғон районида бир ҳодисани кўрган эдик. Райондаги «Сталинчи» колхозида катта кўл бор. Шу кўлга четдан келган кишилар жуда кўп балиқ тутиб кетар эканлар. Колхоз раҳбарлари улардан истаган вақтларида балиқ сотиб олганлари учун хурсанд бўлар эканлар. Бунақа ўзининкини бировдан сотиб олишдан, колхознинг ички резервларини бировларнинг ихтиёрига бериб қўйилишидан ажабланган эдик. Худди шундай ҳодисани Оҳангарон районида ҳам учратдик.

— Районимиздаги Андреев номли колхознинг қамишзорларидан Ўрта Чирчиқ районидаги бир артель фойдаланади. Улар қамишдан плитка қилиб сотмоқдалар, — дейди район раҳбарлари.

Лекин колхоз раҳбарлари ҳам, район раҳбарлари ҳам ички резервлардан фойдаланиб, колхоз экономикасини бир даража бўлса ҳам мустаҳкамлаш ҳақида ўйлаб кўрмаганлар.

Партия чақириғи билан қишлоқа келган раислардан ўртоқ Шарипов билан суҳбатлашар эканмиз, у Ленин номли колхоздаги фойдаланмай ётган ички резервлар ҳақида гапириб берди.

— Колхоз территориясидаги тўқайзорларда ўсиб ётган қамишларни бордон ёки плитка қилиб сотилса, колхозга қўшимча фойда келтирилган бўларди...

Лекин ҳали буларнинг ҳаммаси фақат ширин хаёл. Биргина Ленин номли колхоз эмас, бошқа бир қанча колхозлар ҳам шундай имкониятларга эга-ю, бироқ улардан ҳеч ким фойдаланмайди. Бу соҳада фақат Каганович номли колхозда дуруст иш қилинган. У ерда оҳак ишлаб чиқариш ташкил этилиб, колхоз анча даромад олган.

Райондаги кўп колхозларнинг раҳбарлари билан гаплашсангиз, «кузги бўғдойга нима етсин, кузда бўғдой экилса мўл ҳосил олиш аниқ» дейдилар. Кузги бўғдойдан 7-8 эмас, ҳатто 15 центнердан ҳосил олганлар бор. Бироқ мана шу реал ва аниқ имкониятлардан ҳам райондаги кўп колхозлар яхши фойдаланмаётирлар.

Биринчи ноябргача районда 9584 гектар ерга кузги бўғдой экилиши лозим бўлгани ҳолда фақат 6772 гектар ерга бўғдой экилган. Район раҳбарлари кузги шудгорнинг аҳамияти тўғрисида кўп гапирадилар, лекин айтган гапларини амалга оширмайдилар. Районда ерларни шудгор қилиш шу кунниг талабига мутлақо жавоб бермайди.

Оҳангарон район раҳбарлари колхозлар экономикасини мустаҳкамлашни таъминлашда қишлоқ хўжалиқ экинларидан мўл ҳосил етиштириш, чорвачиликни тобора ривожлантириш, мевазор боғлар, узумзорларни кенгайтириш учун барча имкониятлардан тўла ва унумли фойдаланишлари, барча ички резевларни тўла ишга солишлари — Оҳангарон районини ҳар жиҳатдан илғор районлар даражасига етказиб олиш учун курашишлари керак.

Б. ХАЛИЛОВ,

«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Италия Коммунистик партияси VIII миллий съезди тугади

РИМ, 15 декабрь. (ТАСС). Италия Коммунистик партиясининг VIII миллий съезди тугади. Кечаги мажлисда кун тартибининг иккинчи моддаси — партия янги уставининг проекти тўғрисида музокаралар тамом бўлгач, Лонго охирги сўзини сўзлади. У, делегатларнинг таклифларига ва мулоҳазаларига жавоб берди.

Шундан кейин, мандат комиссиясининг доклади бўлди. Докладчи — мандат комиссиясининг раиси Орланди съездга партиянинг 2.028,147 аъзоси номидан 1058 далегат келганлигини айтди.

Редакцион комиссия номидан сўзга чиққан Аликата съезднинг умумий резолюция проектини ўқиб берди. Резолюция тексти бир овоздан қабул қилинди.

Сўнгра, партия раҳбарлигининг аъзоси Спанога сўз берилди, у, қардош коммунистик ва ишчи партияларя вакилларининг табрик нутқларига жавоб берди.

Спано Италия Коммунистик партияси съездининг ишида қатнашган қардош партияларнинг делегатларига Италия меҳнаткашлари билан пролетар бирдамлиги туйғуларини изҳор қилганликлари учун ташаккур билдирди ва барча коммунистик партиялар социализм қуришга умумий интилиш, дўстлик ва ўзаро чуқур ишонч билан бирлашганликларини уқтириб ўтди.

Спано нутқидан кейин Тольятти сўз олди. У, айтдики, партиянинг янги раҳбар органлари (Марказий комитет, Марказий контроль комиссияси, Марказий ревизия комиссияси) ўз составининг сони жиҳатидан ҳам, вазифалари жиҳатидан ҳам аввалдагига қараганда анча фарқ қилади. Марказий комитетнинг янги составига кўрсатилган кандидатларнинг учдан бир қисмидан кўпроги съездга қадар партиянинг раҳбар органларига кирмаганлар. Марказий контроль комиссиясига кўрсатилган кандидатлар ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин.

Бу ўзгаришлар, деди Тольятти, партиянинг демократик ҳаётини янгилаш ва ривожлантириш зарурлиги туфайли бўлди.

Тольяттининг нутқи тамом бўлганидан кейин партиянинг марказий органларига сайлов ўтказиш учун мажлис тўхтатилди.

Сўнгра, съезднинг охирги очиқ мажлиси бўлди, унда партиянинг янги раҳбар органларига ўтказилган сайлов натижалари эълон қилинди.

Марказий комитет составига 110 киши, Марказий контроль комиссияси составига 46 киши ва Марказий ревизия комиссиясининг составига 5 киши сайланди.

Съездда партия Марказий комитетининг аъзоси Жан-Карло Пайетта охирги нутқ сўзлади. У айтдики, съезд Италия Коммунистик партияси яшовчан ва кучли партия эканлигини исботлади. Съезд партиянинг ўсганлигини, сўнгги 10 йил мобайнида унинг мустаҳкам бирлиги вужудга келганлигини кўрсатувчи далил бўлди. Пайетта социализм сари итальянча йўл билан олға бормоқ учун партия ҳозирги вақтда сиёсий ва ташкилий ишларни олиб бориши лозимлигини уқтириб ўтди.

* * *

РИМ, 15 декабрь. (ТАСС). Италия Коммунистик партиясининг VIII съезди бир овоздан қабул қилинган резолюцияда ўртоқ Пальмиро Тольяттининг Марказий Комитет номидан қилган докладида баён этилган сиёсий йўлни тамомила маъқуллади. Съезд тезислар Проектини ва ўз мухокамасига тақдим этилган программ баёнотнинг асосий қоидаларини ҳам маъқуллади.

Съезд ўз резолюциясида Италия Коммунистик партиясининг VIII съезди ишларининг натижаларини ва Чехословакия Республикасига қарши қўпорувчилик ишлари олиб борганликлари тўғрисида сўзлаб бердилар. Судда айтилишича, 1954 йилнинг бошидан буён ГДР территориясида 92 агент қамоққа олинган. Булар Польша ва Чехословакияга ўтишга ҳаракат қилганлар. Масалан, ҳукм қилинган агент Р. Штрикер бир вақтлар Америка разведкасининг бир неча агентини Германия-Польша ва Германия-Чехословакия чегарасига ўтказган. М. Плаза ва И. Скобранек Ғарбий Германияда Америка разведкачиларининг раҳбарлиги остида махсус таълим олганлар ва Польша ҳамда Чехословакияга қарши жосуслик ишларини қилишга тайёрланганлар.

Чет эл разведкаларининг, асосан Америка разведкасининг агентларидан бир группаси — Г. Маркхардт, Э. Зеебрух, Х. Хертинг, Г. Ёльснер ва Ф. Торбом ноябрь ойининг бошларида ўз ихтиёрлари билан ГДР давлат хавфсизлик органларига келдилар ва ГДРда жосуслик ишларини олиб бориш, шунингдек очиқданочиқ провокация тайёрлаш уларнинг зиммасига юкланганлигига иқрор бўлдилар.

Америка разведка органлари кейинги вақтларда ГДРда контрреволюцион исён тайёрлаш йўллидаги ишларини кучайтириб юбордилар. Ғарбий Берлиндаги америка разведкасининг раҳбари Вальтер ГДРдаги агентларнинг квартираларида қуроллар, портловчи моддалар ва радиоаппаратлар сақлаш имкониятини аниқлаш тўғрисида ўз ходимларига кўрсатма берган.

«Озод Европа», РИАС ва шуларга ўхшаш радиостанциялар каби америка ташкилотлари ва муассасаларигина эмас, балки Ғарбий Берлиндаги ва Ғарбий Германиядаги жосуслик-саботажчилик ташкилотлари, чунончи Ғарбий Берлиндаги «инсониятсизликка қарши кураш группаси», «эркин юристларнинг тергов комитети», «ГСДП шарқ бюроси» ва шу сингари ташкилотлар ҳам Америка разведкасига хизмат қилмоқдалар. Ғарбий Берлиннинг бир ўзидагина синфининг ва халқнинг тинчлик, демократия ва социализм йўлидаги курашига янада зўр мадад бермоқ учун ўз фаолиятини кучайтириш ва ўз сафларини мустаҳкамлашга қатъий қарор бергандир.

Съезд ўз резолюциясида итальян халқини бутун дунёдаги тинчликсевар кучлар билан биргаликда тинчликни ҳимоя қилиш йўлидаги курашга, империалистларнинг ўрта Шарқдаги агрессияси натижасида, совуқ муносабатлар урушини қайтадан тиклашга уринаётганликлари ва социалистик дунёга путур етказишни кўзда тутган ишларни қилаётганликлари натижасида халқаро вазиятнинг кескинлашганлиги билан боғланган хавф-хатарни йўқотиш йўлидаги курашга ўз ҳиссасини қўшишга чақиради.

Резолюцияда реакциянинг янги ҳамласига зарба бериш, халқ оммасининг энг зарур эҳтиёжларини қондириш ва эришиш, меҳнаткашлар билан социалистик ва демократик кучлар ўртасида тўла бирликка эришиш учун ишчилар синфининг, деҳқонларнинг, барча жисмоний ва ақлий меҳнат ходимларининг кучларини жипслаштириш зарур эканлиги кўрсатилади.

Сўнгра, резолюцияда бундай дейилади: съезд Марказий Комитетга программ баёнот ва тезислар текстини узил-кесил таҳрир қилишни ва съезддаги дискуссиялардан келиб чиқадиган бир қанча ўзгартиш ва аниқликларни ана шу текстга киритишни топширади. Ана шу ўзгартиш ва аниқликлар халқаро аҳволи ва халқаро ишчилар ҳаракати проблемаларини, «социализмга боришнинг итальянча йўли»га доир ички сиёсий проблемаларни, ана шу тараққиётнинг шарт-шароитлари ва ҳаракатга келтирувчи кучларини анализ қилишга, Италиянинг иқтисодий аҳволини ва маданият ҳамда партия қурилиши проблемаларини реформа қилиш йўлидаги курашни анализ қилишга тааллуқлидир.

Д. Т. Шепилов ва Г. К. Жуков Варшавага келди

СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепилов ва СССР Мудофаа министри Г. К. Жуков Польшадаги совет қўшинларининг ҳуқуқий статутини белгилайдиган Битим тузиш тўғрисида Польша Халқ Республикаси Ҳукумати билан музокаралар олиб бориш учун 17 декабрда Варшавага учиб кетдилар. Шу йил ноябрь ойида КПСС Марказий Комитети ва Совет Иттифоқи Ҳукумати Делегацияси билан ПБИП Марказий Комитети ва Польша Халқ Республикаси Ҳукумат Делегацияси ўртасида олиб борилган музокаралар вақтида ана шундай Битим тузишга қарор қилинган эди.

* * *

ВАРШАВА, 17 декабрь. (ТАСС). Польшадаги совет қўшинларининг ҳуқуқий статути тўғрисида Польша Халқ Республикасининг ҳукумати билан битим тузиш ҳақида музокаралар олиб бориш учун СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепилов ва СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Г. К. Жуков бугун Варшавага келдилар.

Варшава аэродромида СССР ҳукумат делегациясини Польша халқ Республикасининг Ташқи ишлар министри Адам Рапацкий, Миллий мудофаа министри Мариан Спихальский, ташқи ишлар министрлиги, миллий мудофаа министрлигининг масъул ходимлари, Поляк Қўшини генераллари кутиб олдилар.

Уларни СССРнинг Польшадаги муваққат ишлар вакили В. А. Карпов ва элчихонанинг бошқа аъзолари ҳам кутиб олдилар.

(ТАСС).

Ўзбекистон ССР халқ рассоми М. Раҳимов Бутуниттифоқ бадиий нақшлар, расмлар ва пейзажлар виставкасида қатнашиш учун ўз асарини тайёрлаётир. **Суратда:** ўртоқ **М. Раҳимов** иш устида.

О. Апухтин фотоси.

БМТ Бош Ассамблеясининг сессиясида

НЬЮ-ЙОРК, 15 декабрь. (ТАСС). Кеча эрталабки мажлиснинг иккинчи яримида Бош Ассамблея Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва Социал кенгаш ҳамда Халқаро суд аъзоларининг сонини кўпайтириш мақсадида БМТ Уставини ўзгартириш ҳақидаги масалани кўришга киришди.

Бу масала юзасидан Ассамблеяга Латин Америкасидаги 16 мамлакатнинг ва Испаниянинг резолюция проектлари тақдим қилинди.

Сальвадор, Венесуэла, Испания, Судан, Иордания, Мексика ва Цейлон делегатлари БМТнинг мазкур органларида вакилларни кўпайтириш ҳақидаги таклифни ёқлаб гапирдилар.

Чехословакия делегацияси, деди В. Давид, айрим географик областларнинг ўз вакилларининг пропорционал асосда қатнашишларини таъминлаш тўғрисидаги талабларини яхши тушунади. Аввало бу нарса Осиё мамлакатларига тааллуқлидир, Осиё мамлакатларининг сонига ва халқаро миқёсдаги ҳамиятига қараб, уларга ўз вакилларини киритиш ҳуқуқини бермаслик мумкин эмас. Лекин Чехословакия шу фактни ҳам назарга олмаслиги мумкин эмаски, БМТ бош органларини сон жиҳатдан кенгайтириш — бу бош органларнинг тегишли состави ҳақидаги масалани ҳал этиш йўлида қўйилган биргина қадамдир. Бундай тадбирни конкрет бажариш ҳам ўшандай жуда муҳимдир.

Чехословакия вакили шу нарсага эътиборни жалб қилдики, кейинги йилларда баъзи давлатлар, биринчи навбатда, АҚШ БМТ Уставининг валилларни географик принцип асосида адолатли тарзда ўтказиш тўғрисидаги қоидаларга ва Лондонда тузилган жентльменлик битимига хилоф ҳаракатларни қилдилар. Шу нарса характерлики, мамлакатларнинг вакилларини географик белги асосида ўтказиш принципини амалда қўлланиш вақтида АҚШнинг хатти-ҳаракати ҳамма вақт Шарқий Европа мамлакатларининг манфаатларига қарши, социалистик тузумдаги мамлакатларга қарши қаратилмоқда.

Бу ҳол жиддий оқибатларга сабаб бўладики, бу оқибатлар БМТ аъзолари бўлган давлатларнинг бир-бирларига бўлган ишончни камайтиришига олиб келиши мумкин.

БМТ бош органини кенгайтириш тўғрисида таклиф киритилган резолюция проектида, деди сўнгра В. Давид, Чехословакия делегацияси вакилларни географик белги асосида адолатли тарзда ўтказиш принципининг тўла равишда таъминланиши учун ҳеч қандай гарантияни кўрмаётир. Гарчи Иқтисодий ва Социал кенгашни ҳамда Халқаро судни кенгайтириш ҳақидаги масаланинг ўзига хос томонлари бўлса-да, лекин юқорида айтилган гаплар бу органларни кенгайтириш тўғрисидаги таклифларга нисбатан ҳам тааллуқлидир. Хавфсизлик Кенгашини кенгайтириш тўғрисидаги резолюция проектининг тексти муайян географик областлардаги аъзо давлатларнинг қонуний манфаатларини таъминламайди. Аввалги йиллардаги тажрибани назарда тутиб, Чехословакия делегацияси Хавфсизлик Кенгашига вакилларни географик белги асосида адолатли тарзда сайлаш юзасидан БМТ Уставида таъминланган принцип бундан буён бузилмаслиги тўғрисида ёзма гарантиялар берилмагунча Хавфсизлик Кенгашини кенгайтириш тўғрисидаги проектни ёқлай олмайди.

Бош Ассамблеянинг келгуси мажлиси 17 декабрга тайинланди.

Неру АҚШга келди

ВАШИНГТОН, 16 декабрь. (ТАСС). Ҳиндистон бош министри Жавоҳаррлал Неру бугун Вашингтонга келди.

Мармар тошдан нималар тайёрланади

Мармар тош маданий тараққиётимиз безаги сифатида катта роль ўйнайди. Юксак совет архитектураси бўйича қурилган ҳашаматли биноларга ҳам кўплаб мармар тошлар ишлатилади. Чунки мармар тошлар биноларга зеб ва чирой беруvчи нодир қурилиш материалларидан бири ҳисобланади. Ҳатто бизда «Мармар колонналар» деб ном олган бинолар ҳам бор.

Маданий-маиший ҳаётимизда мармар тошдан ясалган нафис уй-рўзғор асбоб-анжомлари йўқ дейсизми?! Ойналар, умивальниклар, стол лампалари мармардан тайёрланади. Кейинги вақтларда ёзув қуроллари ҳам мармар тошдан ясаладиган бўлди.

Республикамиз территориясидаги айрим тоғлик районлардан кўплаб мармар тошлар қазиб олинади. Самарқанд областининг Пурота ва Омонқўтон районлари Узбекистондаги энг бой мармар тош конларидан биридир. Шу жойлардан қазиб олинаётган конда 36 хил рангдаги мармар тошларни учратиш мумкин. Булар орасида қизғиш, оқимтир, жигар ранг, қора-оқ рангли мармар тошлар жуда кўп.

Хўш, бу мармар тошларнинг нафис ва ясси ҳолдагиси қандай қилиб бизга етиб келади? Дастлаб қазиб олинган мармар тошлар заводга келтирилади. Бу келтирилган тошлар харсан ва айни бир вақтда ғадир-будир шаклда бўлади. Тошларни яссилаш ва турли шаклга келтиришдан олдин уларнинг хиллари аниқланади.

Ёзғон деб аталувчи энг яхши ялтироқ мармар тошнинг ташқи қисми деярли ғадир-будир эмас. Аммо бу хилдаги айрим тошларда дарз кетган чизиқчалар учраб туради. Мармар тошнинг яна бир хилига омон-қўтон деган ном берилган. Бу мармар тош «ёзғон»га нисбатан жуда ғадир-будирдир. Уни ясси мармар тош шаклига келтириш учун «ёзғон»га нисбатан кўпроқ меҳнат сарф қилинади. Тошлар яхлит ҳолда заводнинг образив цехига олиб келтирилади ва махсус аппарат ёрдамида шлифовка ва пардоз қиладиган станоклардан ўтказилади. Станок уни маълум қалинликда бир неча қисмларга бўлиб, катта-катта мармар тош тахталарини ҳосил қилади. Тошни кесиш процесси анча мураккаб бўлиб, бунда тошни станок арралари эмас, балки уларнинг ёрдамида сепиб турилган қумлар кесади. Қумга эса олмос кукунлари аралаштирилган бўлади.

Мармар тошнинг бундан кейинги ясалиш процесси асосан фрезер станоклари ўрнатилган цехда олиб борилади. Станокнинг текислагичи билан тош обдан яссиланади. Кейин уни белгиланган ўлчовда кесиб, қирралари текисланади. Ана шундан сўнггина нафис ва ойнасимон тоза мармар тош тахталаларни тайёр бўлади.

Тошларни кесганда ва мармар тахталаларга пардоз берганда мармар тош бўлаклари ҳамда кукунлари ҳосил бўлади. Буларни ташлаб юбориш керакми? Йўқ, албатта. Эътиборсиз кўринган тошнинг бу қолдиқларидан яна кўпгина фойдали нарсалар қилиш мумкин. Масол учун мармар тош бўлакларини олиб кўрайлик. Булар «Блек» деган махсус машинада яна майдаланади. Қанд бўлаклари даражасигача майдаланиб кетган мармар тошлар цемент билан қумга қоришдирилади ва аралашмага сув қўшиб, уни турли хил шакл берувчи приборлардан ўтказадилар. Натижада булардан зиналар, стол учун мармар тахталар, тегирмон тошлар ва бошқа асбоблар тайёрланади.

Мармар кукунларини сульфат кислотага қўшиб, газ сувларни ҳосил қилиш мумкин. Тошкентдаги мармар тош заводи тайёрлаётган бу маҳсулотлар фақат республикамиз меҳнаткашларигагина эмас, балки Ўрта Осиё, шунингдек Москва, Ленинград ва Узоқ Шарқдаги қардош дўстларимизга ҳам манзур бўлмоқда. Шу сабабли ҳам заводга турли жойлардан кўплаб заказлар келиб туради.

Шу кунларда завод ишчилари ойига 650 квадрат метр ҳажмда мармар тош тахталарига ва мармар тошдан ишланган кўпгина уй-рўзғор асбоблари тайёрлаб бермоқдалар. Кейинги йилларда турли хил янги электр асбоблари ҳам ишлаб чиқарила бошланди.

З. МУҲАМАДЖОНОВ.
А. АЛИЕВ.

АМЕРИКА РАЗВЕДКАСИНИНГ ГДРГА ҚАРШИ ҚЎПОРУВЧИЛИК ИШЛАРИ

БЕРЛИН, 16 декабрь. (ТАСС). Тинчлик ва социализмнинг душманлари кейинги вақтларда Германия Демократик Республикасига қарши ашаддий провокация — туҳмат кампаниясини авж олдирдилар. Бу — Империалистик кучларнинг социалистик мамлакатларга қарши олиб бораётган қўпорувчилик ишларининг формаларидан биридир.

ГДРга қарши ана шу кампания олдидан планли равишда душманчилик иши узоқ вақт олиб борилди. Масалан, 1955 йилнинг бир ўзидагина ғарбдаги турли қўпорувчилик марказлари томонидан ГДР территориясига 11 миллиондан ортиқ варақа ташланди. Варақалар ҳаво шарларида ташланмоқда, почта орқали юборилмоқда ёки ёлланган агентлар томонидан тарқатилмоқда. 1955 йил 1 январдан тортиб 1956 йилнинг 28 январигача ГДР территориясида 7 мингдан кўпроқ ҳаво шари топилди. Бу шарларда варақалар, ўт қўйиш воситалари, радиозондлар ва «совуқ муносабатлар уруши» стратегларининг арсеналидан олинган бошқа буюмлар бор эди.

ГДР жамоатчилиги жиноий қўпорувчилик ишлари ва пропагандасининг илҳомчилари ва ташкилотчиларини билмай кўпинча уларнинг ижрочиларидангина хабардор бўлиб қолади. Аммо, Венгриядаги воқиалар, шунингдек ГДР территориясида чет эл разведкалари агентларининг, асосан Америка разведкаси агентларининг қўпорувчилик ишларини фош қилиш агентлар, диверсантларни, соткин қаламкашлар, майда ва катта саботажчилардан иборат қора гуруҳни ҳаракатга келтираётган яширин кучларни яққол кўрсатиб беради.

Бунда гап Американинг Ғарбий Германияда ва Ғарбий Берлинда маҳкам жойлашиб олган разведка органлари тўғрисида, шунингдек уларнинг кўрсатмаси ва пуллари билан иш кўраётган кўпгина қўпорувчилик ташкилотлари ҳақида бораётир.

Кейинги вақтларда Германия Демократик Республикасида кўпгина чет эл агентлари, асосан Америка разведкасининг агентлари фош қилинди. Кўп агентлар қамоққа олинди ва судга берилди, бошқа агентлар ўз ихтиёрлари билан ГДР давлат хавфсизлик органлари ҳузурига гуноҳларини кечиришни сўраб келдилар.

Октябрь ойининг охирида Берлинда ГДР бош министри ҳузуридаги матбуот бошқармаси матбуот конференцияси ўтказди. Ана шу матбуот конференциясида кейинги вақтларда қамоққа олинган 73 агентнинг кўпчилиги Америка разведкасининг хизматида бўлганлиги маълум қилинди. Матбуот конференциясида сўзга чиққан агентлардан В. Деффке, Г. Мозес ва фон Ивенлар ҳам буни тасдиқладилар. Уларнинг сўзларидан маълум бўлишича, Америка разведкаси агентларни ёллаб олишда ҳам, қўпорувчилик ишларини қилишда ҳам ҳеч қандай воситалардан тортинмаётир. Масалан, В. Деффке Америка разведкаси томонидан турли ваъдалар ва қўпол сурбетларча дўқ қилиш йўли билан жосуслик ишларига жалб этилган. Америка разведкаси Си-ай-сининг бошлиқлари уни ГДР чегарасидан ташқарида — Польша ва Венгрияда ҳам жосуслик ишларини олиб боришга ундаганлар.

Яқинда Дрезденда Америка разведкасининг уч агенти — Г. Штрикер, М. Плаза ва И. Скобранек суд қилинди. Улар суд вақтида Америка разведкасининг топшириғига мувофиқ, Польша Халқ Республикасига ва Чехословакия Республикасига қарши қўпорувчилик ишлари олиб борганликлари тўғрисида сўзлаб бердилар. Судда айтилишича, 1954 йилнинг бошидан буён ГДР территориясида 92 агент қамоққа олинган. Булар Польша ва Чехословакияга ўтишга ҳаракат қилганлар. Масалан, ҳукм қилинган агент Р. Штрикер бир вақтлар Америка разведкасининг бир неча агентини Германия-Польша ва Германия-Чехословакия чегарасига ўтказган. М. Плаза ва И. Скобранек Ғарбий Германияда Америка разведкачиларининг раҳбарлиги остида махсус таълим олганлар ва Польша ҳамда Чехословакияга қарши жосуслик ишларини қилишга тайёрланганлар.

Чет эл разведкаларининг, асосан Америка разведкасининг агентларидан бир группаси — Г. Маркхардт, Э. Зеебрух, Х. Хертинг, Г. Ёльснер ва Ф. Торбом ноябрь ойининг бошларида ўз ихтиёрлари билан ГДР давлат хавфсизлик органларига келдилар ва ГДРда жосуслик ишларини олиб бориш, шунингдек очиқданочиқ провокация тайёрлаш уларнинг зиммасига юкланганлигига иқрор бўлдилар.

Америка разведка органлари кейинги вақтларда ГДРда контрреволюцион исён тайёрлаш йўллидаги ишларини кучайтириб юбордилар. Ғарбий Берлиндаги америка разведкасининг раҳбари Вальтер ГДРдаги агентларнинг квартираларида қуроллар, портловчи моддалар ва радиоаппаратлар сақлаш имкониятини аниқлаш тўғрисида ўз ходимларига кўрсатма берган.

«Озод Европа», РИАС ва шуларга ўхшаш радиостанциялар каби америка ташкилотлари ва муассасаларигина эмас, балки Ғарбий Берлиндаги ва Ғарбий Германиядаги жосуслик-саботажчилик ташкилотлари, чунончи Ғарбий Берлиндаги «инсониятсизликка қарши кураш группаси», «эркин юристларнинг тергов комитети», «ГСДП шарқ бюроси» ва шу сингари ташкилотлар ҳам Америка разведкасига хизмат қилмоқдалар. Ғарбий Берлиннинг бир ўзидагина ГДРга ва бошқа халқ демократияси мамлакатларига қарши қаратилган қўпорувчилик ишлари билан шуғулланувчи 80 дан ортиқ шундай жосуслик марказлари бор.

Американинг ашаддий агенти Э. Тиллих бошчилигидаги «инсониятсизликка қарши кураш группаси» қўпорувчилик ишларини айниқса кучайтириб юборди. АҚШ вакиллар палатасининг Америкага қарши ишларни текширувчи комиссиясининг шу йил 10 ва 11 сентябрда бўлиб ўтган мажлисида Тиллихнинг сўзлаган нутқлари ана шу жосуслик ташкилотининг Америка разведкасига хизмат қилаётганлигини яққол исбот этади. Тиллихнинг ана шу мажлисларда берган маълумотлари ГДР, Совет Иттифоқи ва бир қанча халқ демократияси мамлакатларининг ҳаётига тааллуқли ҳарбий-иқтисодий ва сиёсий масалалар юзасидан жосуслик ахборотидан иборат. Тиллих ГДРга ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши қўпорувчилик ишларини янада кучайтириш таклифини киритди. Америкага қарши ишларни текширувчи комиссия Тиллихнинг «қаршилик кўрсатишга ёрдам» уюштириш, яъни қўпорувчилик ишларини уюштириш ҳақидаги таклифларини маъқуллади ва бу таклифлар эътиборга олинажаги ҳамда қўллабқувватланажагини билдирди.

Тиллих бошчилигидаги «Инсониятсизликка қарши кураш группаси» Венгриядаги контрреволюцион исён арафасида ва ана шу исён бошланган кунларда ўз ишларини гоят кучайтириб юборди. АҚШга келинган сафар натижаларидан илҳомланган жосуслик-қўпорувчилик ташкилотларининг бошлиқлари, хусусан Тиллих, ГДРда «Умумий забастовка» уюштириш ниятида бўлганлар. Улар ўтказилмоқчи бўлган «забастовка» Венгриядаги каби контрреволюцион исёнга айланиши мумкин деб умид боғлаб, ана шу провокацион ишларни амалга оширишга тайёрланганлар. Аммо, душманларнинг ана шу планлари тамомила барбод этилди.

«ГСДП шарқ бюроси» ҳам «инсониятсизликка қарши кураш группаси» каби ГДРга қарши актив жиноий иш олиб бормоқда. Ана шу «шарқ бюроси» ҳам Америка разведкасига хизмат қилмоқда. Масалан, жосуслик ишларидан ўз ҳоҳиши билан алоқасини узган собиқ агент Вернер Эккниг «ГСДП шарқ бюроси» воситаси билан Америка разведкасига жалб этилганлигини айтди.

ГДР меҳнаткашларигина эмас, балки немис халқининг барча тинчликсевар кучлари ҳам Америка разведкасининг ва Ғарбий Германия ҳамда Ғарбий Берлин территориясида ана шу разведка хизматида бўлган турли жосуслик-диверсия ташкилотларининг разил ишларига қарши норозилик билдирмоқдалар.

Агрессорларнинг Порт-Саиддаги бебошликларига қарши Мисрнинг норозилиги

ЛОНДОН, 16 декабрь. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Қоҳирадан қуйидагиларни билдиради: Миср ҳукумати БМТ фавқулодда қуролли кучларининг Мисрдаги қўмондони генерал-майор Бэрнсга Англия оккупантлари томонидан Порт-Саидда қилинаётган таланчиликлар, интлиз маъмурлари томонидан Миср гражданларининг гаровга олинган кишилар сифатида ушлаб қолинаётганлиги юзасидан, шунингдек шаҳарнинг шу вақтгача Миср маъмурларига топширилмаганлиги муносабати билан норозилик билдирди.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/XII да **Гамлет**, 19/XII да **Ганг дарёсининг қизи.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/XII да **Лайли ва Мажнун**, 19/XII да **Риголетто.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/XII да **Муқимий.**

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН» — **Қўнғиз** ва кечқурун янги бадиий фильм **Узоқ йўл.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

18 декабрдан бошлаб

НИКОЛАЙ ЖЕРЕБЦОВ ГАСТРОЛЛАРИ —

КУЧ АТТРАКЦИОНИ

Томоша кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Республика газета ва журналларига

ВА ОБЛАСТЬ ГАЗЕТАЛАРИГА 1957 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обуна республиканинг барча почта бўлимларида. Тошкент почтамтида (иш соатларида), «Союзпечать» Тошкент шаҳар бўлимида соат 9 дан 19 гача (дам олиш кунларида эса соат 9 дан 18 гача), шунингдек муассаса, ва ўқув юртлари, фабрика ва заводлар, колхоз, совхоз ва МТСлардаги жамоат обуна вакиллари томонидан қабул қилинади.

СССР халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш тўртинчи давлат заёми

ОБЛИГАЦИЯЛАРНИНГ ЎЗ ҚИЙМАТИНИ ТЎЛАШ 3-ТИРАЖИНИНГ

СПРАВКА ЖАДВАЛИ

Заёмнинг бу тиражи 1956 йил 9 декабрда Москва шаҳрида бўлиб ўтди.

Заёмнинг ҳар бир разрядида қуйидаги сериялардаги облигацияларнинг ҳамма 50 номери (№ 01 дан № 50 гача) ўз қийматини тўлаш тиражига чиқди:

Серия номери	Серия номери	Серия номери	Серия номери	Серия номери	Серия номери	Серия номери	Серия номери	Серия номери	Серия номери	Серия номери	Серия номери
060031	061747	063203	064527	066170	068169	069586	071245	073005	074870	076706	078345
060046	061782	063237	064561	066223	068261	069623	071246	073091	074915	076714	078351
060142	061787	063269	064616	066226	068301	069679	071269	073096	074993	076770	078367
060276	061830	063276	064677	066255	068321	069682	071309	073114	075043	076849	078393
060305	061856	063316	064697	066314	068331	069705	071328	073164	075045	076888	078456
060322	061877	063334	064726	066327	068351	069740	071331	073305	075097	076917	078525
060411	061921	063358	064760	066406	068382	069778	071335	073361	075134	077031	078587
060418	061947	063377	064773	066412	068495	069789	071396	073367	075151	077040	078600
060434	062016	063434	064902	066487	068591	069796	071489	073459	075157	077059	078616
060474	062044	063435	064986	066566	068593	069884	071556	073461	075171	077078	078685
060483	062182	063443	065016	066644	068614	070036	071619	073481	075215	077169	078702
060490	062253	063462	065038	066688	068689	070114	071660	073565	075244	077173	078768
060513	062263	063567	065086	066701	068701	070134	071665	073611	075248	077194	078817
060566	062290	063593	065132	066707	068709	070188	071709	073671	075272	077204	078876
060611	062304	063626	065143	066799	068721	070365	071786	073720	075344	077205	078885
060648	062344	063705	065158	066895	068731	070405	071787	073743	075379	077210	078902
060724	062353	063800	065160	066921	068734	070459	071801	073785	075542	077354	079059
060743	062425	063811	065193	066967	068811	070472	071821	073844	075548	077382	079106
060806	062436	063817	065198	066980	068821	070508	071827	073847	075619	077421	079136
060815	062448	063823	065206	066984	068832	070554	071831	073880	075625	077429	079138
060860	062467	063858	065215	067013	068835	070591	071839	073956	075636	077524	079180
060915	062468	063891	065251	067097	068837	070595	071906	073961	075650	077547	079182
060988	062507	063922	065283	067129	068891	070606	071982	073965	075773	077578	079194
061019	062527	063954	065291	067170	068959	070681	072016	074070	075782	077601	079196
061131	062529	064045	065303	067271	068962	070744	072077	074194	075785	077667	079241
061152	062579	064122	065329	067325	068994	070748	072104	074196	075809	077722	079255
061189	062659	064147	065346	067331	069014	070786	072176	074243	075823	077767	079318
061194	062712	064156	065401	067346	069016	070841	072274	074302	075856	077804	079455
061240	062749	064188	065490	067429	069052	070844	072490	074304	075884	077819	079495
061249	062789	064218	065524	067506	069069	070873	072526	074417	075891	077828	079657
061252	062800	064234	065567	067553	069080	070967	072558	074436	075966	077878	079730
061291	062817	064276	065578	067558	069149	071008	072735	074577	076043	077886	079738
061307	062843	064295	065580	067564	069159	071039	072778	074581	076061	077925	079793
061397	062866	064296	065675	067632	069241	071069	072782	074603	076153	078001	079810
061473	062884	064305	065725	067664	069247	071082	072792	074658	076244	078029	079815
061507	063008	064314	065829	067712	069261	071116	072799	074751	076252	078040	079829
061516	063027	064358	065958	067716	069329	071117	072835	074775	076308	078110	079897
061536	063057	064370	065988	067739	069338	071165	072895	074821	076377	078208	079904
061592	063062	064386	066087	067794	069419	071188	072908	074831	076437	078226	079958
061662	063156	064390	066102	067882	069465	071189	072913	074832	076469	078271	079965
061694	063164	064430	066122	067883	069499	071204	072930	074835	076501	078307	079976
061735	063186	064468	066128	068103	069547	071235	072955				

Облигацияларнинг ўз қийматини тўлаш тиражини ўтказувчи Комиссиянинг раиси — Москва шаҳар меҳнаткашлар депутатлари Калинин район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари **А. Н. МЕЛЬНИКОВ.**

Комиссиянинг масъул секретари **Н. В. КУЗНЕЦОВА.**

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва